

Хайрли ва савобли
ишлар инсонни турли
ҳалокатлардан
сақлайди.

Ҳадис



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов 17 август куні Оқсаройда
Америка-Ўзбекистон савдо палатаси
раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги
АҚШ ишбилармон доиралари
делегациясини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимизнинг етакчи компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқалари изчил кенгайтиб бораётганини таъкидлади. Америка-Ўзбекистон савдо палатаси томонидан ташкил этилган, АҚШнинг етакчи ва аксарияти глобал транснационал мақомга эга бўлган 25 компанияси раҳбарларидан иборат қарийб 80 бизнесмен иштирок этган бизнес-форумнинг муваффақиятли ўтказилганини ижобий баҳолади.

Учрашувда АҚШнинг етакчи компаниялари ва уларнинг ўзбекистонлик шериклари ўртасидаги ўзаро манфаатли бизнес муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ички ва ташқи бозорда харидоригир бўлган юқори қўшимча қийматга эга маҳ-

сулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этишга қаратилган иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Американинг "Женерал Моторс", "Боинг", "Локхид Мартин" ва бошқа қўтлаб етакчи компаниялари билан анча йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келинаётгани ўзаро муносабатларда тўпланган ижобий тажрибанинг ёрқин мисоли сифатида қайд этилди. Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 241 корхона рўйхатга олинган. Мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми 2 миллиард доллардан ошди.

(Давоми 2-бетда.)



ТАЪЛИМНИ ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИГА КЎТАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълимни янги сифат босқичига кўтаришнинг долзарб масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Анжуманда биринчи синф ўқувчилари учун «Президент совғалари», мактаб бозорлари ва ярмаркалар, 2012-2013 ўқув йилида тавсия этилган ўқув адабиётлари ва дарсликлар, мактаб либоси, кам таъминланган оилалар фарзандларига бериладиган ўқув куроллари ва кийим-кечаклар кўргазмаси,

янги жорий этилган мактаб Васийлик кенгаши тўғрисидаги Низом бўйича фикрлар билдирилди. Мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида тизимга жорий қилинган инновациялар, илғор тажрибалар юзасидан кечган қизгин савол-жавоб жараёнида соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижалари ҳамда келгусида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар янада ойдинлашди.

(Давоми 3-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**ТАЛАБАЛИККА
МУНОСИБЛАР
АНИҚЛАНДИ**

2-бет

**ҒОЛИБЛАР
РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ,
МАҒЛУБЛАР ЭСА...**

7-бет

Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!
**ТИНЧЛИКНИНГ
ҚАДРИГА ЕТМОҚ КЕРАК**

14-бет

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

Ҳар бир соҳа ривожини, келажаги ворисларнинг салоҳияти, иқтидори ва билимдонлик даражасига боғлиқ бўлганидек, спорт соҳасида қўлга киритилиши мумкин бўлган зафарлар ҳам муносиб ўринбосарлар топиш, уларга етарлича эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни талаб этади. Шу маънода, юртимиздаги Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига ўқувчилар қабул қилиш жараёнига масъулият ва зийраклик билан ёндашиш муҳим ўрин тутаяди.

Пойтахтимиздаги Ҳамза туманида жойлашган Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатига 2012-2013 ўқув йили учун қабул жараёни кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда. Иштихонлар арафасида тарғибот учун Тошкент шаҳар мактабларига махсус плакатлар тарқатилди. Ишчи гуруҳ қабул жараёнини қўнгилдагидек ташкил этиш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга, ҳақиқий ёш иқтидорларни танлаб олишга алоҳида аҳамият қаратди.

(Давоми 15-бетда.)



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кэролин Лэмм ва Америка бизнесининг бошқа вакиллари давлатимиз раҳбарига кўрсатилаётган эътибор ва Ўзбекистонда АҚШ компаниялари иш юритишига яратилган қулай шароит учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар ва Ўзбекистон бозорига АҚШ инвестициялари, технологиялари ва юқори технологияли компанияларни фаолиятини янада кенгайтиришнинг кенг истиқболлари мавжудлигини таъкидладилар.

Америка-Ўзбекистон савдо палатаси раиси катта муваффақият билан ўтган бизнес-форумда "Женерал Моторс", "Боинг", "Женерал Электрик", "Локхид Мартин", "Мерк", "Рио Тинто", "Уайт энд Кейс", "Анадарко", "Кейс Нью Холланд", "Нукем", "Солар Турбайнс", "Катерпилар" "Зепелин" ва бошқа энг нуфузли компанияларнинг иштирок этгани АҚШ ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга катта қизиқиши юқалиб бораётганидан далолат эканини таъкидлади.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик, юртимизда замонавий Америка технологияларини жалб қилган ҳолда йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш борасида кенгайиб бораётган имкониятлар, мамлакатимизнинг Ўрта Осиёдаги йирик бозор сифатидаги стратегик аҳамияти бундай қизиқишнинг асоси экани таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг бой минерал-хомашё салоҳияти, ривожланган sanoat ва транспорт инфратузилмаси, юқсак малакали кадрлари, шунингдек, хорижий инвесторлар учун имтиёзлар, преференциялар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларининг ишончли тизими кўшма лойиҳалар муваффақиятини гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 ва 18 июль кунлари қабул қилинган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликка катта эркинликлар бериш, шунингдек, ҳисобот топшириш, лицен-

зия ва руҳсатномалар олиш борасида бизнесга қўйиладиган талабларни қисқартиришга йўналтирилган фармонларининг аҳамияти юқсак баҳоланди.

Бўлиб ўтган бизнес-форум давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида машинасозлик, металл қайта ишлаш, энергетика, нефть ва газ қазиб олиш, нефть-газ қимёси, электротехника ва тоғ-кон саноати, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда умумий қиймати қарийб 2,8 миллиард долларни ташкил этувчи 21 лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани мамнуният билан таъкидланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Америка-Ўзбекистон савдо палатаси ва АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда муваффақиятлар тилади.

ЎЗА

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик шодиёналари кун сайин яқинлашмоқда. Қалбимизда, «Энг улуг, энг азиз» айём кайфияти жўш ураётган кунларда она Ўзбекистонимиз шаънини юксалтирувчи хуш хабарлар оқими кишини янада мамнун этади. Яқинда Америка кўшма штатларида бўлиб ўтган кимё фанидан 44-жаҳон олимпиадасида мамлакатимизнинг икки нафар вакили — Ўрта махсус, касб-оқна таълими Маркази ходими М. Шораҳимов ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори,

КАМОЛОТ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

тиббиёт фанлари доктори, профессор А.Эшонкулов кузатувчи сифатида иштирок этиб қайтишди.

Вашингтонда ўтказилган ушбу олимпиадада 78та давлат вакиллари иштирок этишди. Ундан 5та давлат фуқаролари кузатувчи сифатида қатнашди. Ушбу жаҳон олимпиадаси шартларига кўра икки бора кузатувчи сифатида иштирок этган давлат кейинги фан беллашувларига ўзининг салоҳиятли ўқувчиларини юбориш ҳуқуқини қўлга киритади. Ушбу нуфузли билимлар баҳсида ҳам мамлакатимизнинг келажаги бўлган иқтидорли ёшларимиз ўз билим ва тафаккурларини намоён этишларида ишонамиз.

Ш.КАРИМОВ

Бу йил кириш синовлари натижалари 16 август куни эълон қилинди. "DTM.UZ" сайтида берилган маълумотларга кўра, бу йил мамлакатимиздаги олиё таълим муассасаларига 432017 нафар абитуриентдан ариза тushган бўлса, шулардан 56607 нафари бугун талабалик бaxтига эришди. Эътиборлиси, жорий йилда ҳам Давлат тест марказининг сайти ҳамда уяли алоқа компаниялари хабарлар марказидан ҳар бир имтиҳон топширган ёш ўзининг тўплаган бали ҳамда талабаликка қабул қилинган ёки қилинмаганини уйда ўтиргани ҳолда бир зумда билиб олиши учун имконият яратилди.

Талаба деган номга эришиш учун йиллаб интилган, китоб varaқлаб тунларни кунларга улаган, бор имкониятини шу мақсад йўлида сарф қилган ёшларнинг қувончи ўзгача. Буни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қабул комиссияси майдонида яққол ҳис қиласиз.

Зангиоталик Нигора Ҳошимова қизи Диёра Абдуҷалилованинг ЎЗМУ Ўзбек филологияси факультетида 167 балл тўплаб, 1-ўринда ўқишга кирганидан хурсанд эди:

— Қизимнинг астойдил ўқиб, шунча изланганлари Худого шукрки, бугун рўёбга чиқди. Бунда Диёра ўқиган ЎЗМУ қошидаги 2-академик лицейнинг барча устоз-мураббийларининг хизмати катта. Уларнинг берган таълим-тарбияси, меҳнатлари, қизимнинг мақсади йўлида тинимсиз интилиши ва тиришқоқлиги туфайли

ТАЛАБАЛИККА МУНОСИБЛАР АНИҚЛАНДИ



бугун талабалик бaxтига эришди.

— Мен эса учинчи уринишда ЎЗМУнинг биология факультетида 167 балл тўплаб, контракт-тўлов асосида ўқишга кирдим, — дейди Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Тиббиёт коллежи битирувчиси Шаҳзода Салимова. — Бу хабарни яқинларим, устозларим эшитиб роса қувонишларини ҳозир тасаввур этаппман.

Тошкент давлат техника университети ҳовлисига кира эканман, хурсандлигидан чопиб келаётган ёшгина йигитчани суҳбатга тортидим. Тошкент автомобил ва йўллар институти қошидаги академик лицейни тамомлаб, университетнинг "Нефть ва газни қайта ишлаш" факультетида ҳужжат топширган Рашид Жўрабо-



ев 165 балл билан талабаликка қабул қилинибди.

— Ҳозиргина Жиззахга, ота-онамга телефон қилиб янгиликни етказдим. Уларнинг қувонганларидан кўзларимда ёш ҳалқаланди. Устозлар кўмағида тинимсиз ўқиб тайёрланганим ўз натижасини бермай қолмади.

Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университетида 208 балл билан талабаликка қабул қилинган Тошкент иқтисодиёт коллежи "Банк иши" таълим йўналиши битирувчиси Феруза Усмонбекова ҳам хушхабарни биринчи галда ота-онаси, устозларига етказди.

— Коллежда менга дарс берган устозларим — математика фани ўқитувчиси Раъно Ҳамдамова, физика сирларидан воқиф этган устозлар Муслим Баратов,



Маърифат Абдуазимов ҳамда она тили ва адабиёт фани ўқитувчимиз Ширин Шорасуловага берган сабоқлари учун миннатдорчилик билдираман, — дейди Феруза қувончини яшира олмай.

Талаба деган шарафли номга сазовор бўлган яна бир суҳбатдошимиз Олмазор тиббиёт коллежи битирувчиси Моҳира Шукурова эса Тошкент кимё-технология институтига тўлов-шартнома асосида ўқишга кирибди.

Атрофни кузатамиз. Кимдир уяли алоқа воситасида яқинлари билан қувончини улашаётган бўлса, яна кимлардир хомуш. Бир-бирларини кучоқлашиб, овози борича завқ билан гўё бутун дунёни забт этгандай қийқаришиб келаётган йигитларни кўриб ҳавасинг кела-

ди уларга. Чекада туриб кўз ёшларини яшираётган ёшларни кўриб, кейинги йил омади келсин-да, дейишдан бошқа илож йўқ. Ҳозир уларни ҳар қандай ширин сўз билан ҳам юпатиб бўлмайди.

— Мен ўзбек филологияси факультетида ҳужжат топширган эдим. Бу йил ҳам омадим келмади. Ҳозир фақат онамга қай тарзда жавоб айтишимни ўйлабман, чунки у талаба бўлишимни интиқлик билан кутаётганди, — дейди Ўғилой Мақсудова.

Бундан бир неча йиллар олдин ўқишга қизиқиш сал сусайгандек, кўпгина ота-оналар фарзандларига "ўқиб шаҳар олиб берармидинг" ёки "пулинг бўлса бўлди-да, бизнесменлик қиласан" деган гапларни айтишарди. Бугунги кун шиддати шуни тақозо қилмоқдаки, фермерликда ҳам, хаттоки бизнес ва тадбиркорликда ҳам ихтисослик бўйича билим ва ҳуқуқий онглик талаб этилмоқда. Бугун илм олишга иштиёқманд ёшлар кўп ва худого шукрки, йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу эса билимлар ичидан энг муносибини саралаб олиш имконини, ўз навбатида келажақда давлатимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассислар авлоди шаклланишига замин яратиб беради.

Назokat ҲОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" муҳбири
Суратларда: жараёндан
лавҳалар акс этган

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ўқитишнинг янги бугини — ўрта махсус, касб-хунар таълимига асос солинди. Умумий ва олий таълимни ўзaro боғлаб турувчи мазкур бугин реал иқтисодиётнинг барча тармаклари учун малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлда қабул қилинган «Касб-хунар коллежининг Вasiyлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ўрта махсус, касб-хунар таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан бойитишга қаратилган навбатдаги қадам бўлди.

Мазкур қарорнинг моҳияти, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Хайрулла ЗИКРИЛЛАЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол авлодни вояга етказиш, жамият ҳаётининг барча соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш орқали Ватанимиз жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин олишига эришишдек улугвор мақсадлар мужассамдир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўн икки йиллик узлуксиз таълимнинг муҳим қисми бўлиб, унда ўқувчиларга барча умумий фанлардан пухта билим берилиши билан бирга ўз хоҳиш-истаги, интилиши ва қизиқиши, лаёқати бўйича касб-хунар эгаллаши

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА БАРКАМОЛ АВЛОД

Мамлакатимиздаги барча коллежларда Вasiyлик кенгашларининг таъсис йиғилишлари бўлиб ўтди

имконияти яратилган. Бугунги кунда таълимнинг мазкур бўғинига 1,7 миллиондан зиёд ўқувчи қамраб олинган. 1537 ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 214 йўналиш ва мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда таълимнинг ушбу бўғинини муттасил ривожлантириш, тезкор давр талабларига мос тарзда такомиллаштириш юзасидан кўплаб фармон ва қарорлар, қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 28 май куни қабул қилинган «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳани илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касб тайёргарлигига эга, замонавий фикрловчи кадрлар билан таъминлашда муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 6 июль куни қабул қилинган «Касб-хунар коллежининг Вasiyлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жамоатчилик бошқаруvinинг самарали тизимини янада ривожлантириш, таълим жараёнида ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширишга қаратилгандир. Қарорда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томо-

нидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мамлакатимиздаги ҳар бир касб-хунар коллежида Вasiyлик кенгашлари ташкил этилиши, уларнинг таълим масканлари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилиши белгиланган.

Вasiyлик кенгашлари касб-хунар коллежларининг моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, бинолари ва ҳудудини ободонлаштириш, таълим жараёни, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, битирувчиларни кейинчалик «коллеж-корхона» тизимида ишга жойлаштириш, педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг иш шaroитини янада яхшилаш, малакани ва қайта тайёргарлигини ошириш каби кенг қўламли вазифаларни қамраб олади.

Коллежлар фаолиятини изчил ривожлантириш учун ҳомийлар, техник қўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва бошқа маблағларни жалб этиш, ўқувчилар ва битирувчиларни, айниқса, ота-она меҳридан бебаҳра ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтидорли ёшларга стипендиялар ажратиш, ўқувчиларнинг ётоқхоналарида яшаш ва бўш вақтини фойдаланишга ўтказиш шaroитларини яхшилаш каби масала-

лар ҳам мазкур кенгашларнинг доимий эътиборида бўлади.

Бундай Вasiyлик кенгашларининг ташкил этилиши ҳар бир ўқувчининг ўқиши ва келгусидаги фаолияти доимий эътиборда бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг талаб ва эҳтиёжларига мос тарзда мутахассислар тайёрлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш борасидаги тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширади.

Вasiyлик кенгаши юртимиздаги ҳар бир касб-хунар коллежида тузилиб, жамоатчилик асосида ишлайди. Унинг таркибига маҳаллий ҳокимлик органлари, вазирликлар, идоралар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуруний» жамғармаси, жойлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида аъзолик ва мақсадли бадаллар, турли ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг иштиёрий эҳсонлари, шунингдек, бошқа маблағлар ҳисобига кенгаш ҳузурида Вasiyлик жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағларидан кенгашнинг мақсадлари, вазифалари ва ҳуқуқларини амалга оширишда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмаларида касб-хунар коллежи учун бюджетдан ташқари маб-

лағлар бўйича шахсий ҳисоб рақамлари очилади. Вasiyлик жамғармасининг бир йилда фойдаланилмаган маблағлари қолдиги олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтказилади. Жамғарма маблағларидан касб-хунар коллежининг ҳўжалик фаолияти зарарини қоплаш, шунингдек, ходимларнинг қўшимча сонини таъминлаш учун фойдаланиш тақиқланади. Касб-хунар коллежи директори ҳар йили кенгаш олдида Вasiyлик кенгаши маблағларининг мақсадли ва самарали фойдаланилиши бўйича ҳисобот бериб боради.

Жорий йилнинг 18—30 июль кунлари барча коллежларда ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар билан биргаликда Вasiyлик кенгашларининг таъсис йиғилишлари ўтказилди. Унда кенгашлар низомлари ва аъзоларининг рўйхатлари тасдиқланиб, таълим масканларининг меъёрий ҳужжатлари ушбу низомга мослаштирилди. Ортимизнинг барча ҳудудларида масъул шахслар, таълим муассасалари раҳбарлари учун мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтиришга оид амалий семинарлар ташкил этилди.

Буларнинг барчаси коллежлардаги таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигини янада ошириш, коллежларни ободонлаштириш, иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжига мос тарзда мутахассислар тайёрлаш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ўташи ва келгусида аниқ иш жойида фаолиятини бошлаш, ижтимоий муҳофазасида муҳим аҳамият касб этади.

Бундай кенг қўламли ишлар Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимиз келажаги бўлиши ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ёшларни кучли ижтимоий ғимоялашга қаратилган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

**ЎЗА мухбири
Насолат УСМОНОВА
ёзиб олди.**

ТАЪЛИМНИ ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧГА КЎТАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида 158,5 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҳусусан, 2012 йили янги уй-жой мас-

сивларида 14 та мактаб қурилиб, 187 та умумтаълим муассасаси капитал реконструкция, 162 та билим маскани эса капитал таъмирланди.

«Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини му-

стаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» доирасида ушбу йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 30 та болалар мусика ва санъат мактаблари қурилди, 28 таси капитал реконструкция қилинди. Янги ўқув йили учун тегишли фанлардан 80 номдаги мультимедиа дастурий воситалари ҳамда 26 номдаги ўқув фильмлари, 13 номда виртуал лабораториялар яратилиб, таълим жараёнига жорий этилди. Мавжуд 9763 та мактабдан 9403 таси «ZiyoNET» тармоғига уланган.

2012 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан тасдиқланган низом талабларининг изчил бажарилиши юзасидан фикрлар билдирилди.

Шунингдек, яна бир муҳим аҳамиятга молик меъёрий ҳужжат — «Халқ таълими муассасаларининг Вasiyлик кенгаши тўғрисида»ги намунавий ни-

зом тасдиқланди. Маълумки, таълим мазмунини таъминлаш ва уни янги сифат босқичига кўтариш йўлида умумтаълим муассасаларининг моддий базаси мустаҳкамланди. Эндиликда таълим муассасаларида ҳар қандай пул йиғиш ҳолатларига чек қўйилди. Низомга мувофиқ, таълим муассасасида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналаридан турли сабаблар билан таълим муассасаси раҳбарияти ва бошқа ходимлар томонидан асоссиз равишда пул маблағларини йиғиш қатъиян тақиқланади. Ҳар қандай қирим маблағлари Вasiyлик кенгаши қарори билан амалга оширилади.

Анжуманда яна бир долзарб мавзу — мактаб либослари хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Мутахассислар, психолог олимлар мактаб либоси ўқувчининг билим эгаллаши учун муҳим омил эканини таъкидлашди. Шу ва бошқа долзарб масалалар бўйича таҳлилий ва танқидий ёндашуларга бой тарзда ўтган йиғилиш янги ўқув йили олдида яна бир сарҳисоб вазифасини ўтаб, галдаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш омил бўлди.

**Насиба ЭРХОНОВА,
халқ таълими аълочиси**





Yangiliklarda Yurt nafasi

❖ **Ўзбек Миллий академик драма театрида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича кўмита, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг якуний босқичида тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ўтказилган бу йилги танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида 8 минг нафардан ортиқ маслаҳатчи қатнашди.

Кўрик-танловда Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Холида Эргашева биринчи ўринга лойиқ топилди.

Танловда ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

❖ Қашқадарё вилоятида «Хуқуқий демократик давлат ва фуқароларнинг хуқуқий онгини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари ва бошқа ташкилотлар кўмагида ташкил этилган мазкур тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, посбонлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинар-тренингда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқароларнинг хуқуқий онгини шакллантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, ушбу семинар-тренинг ҳам журналистлар ва фуқаролик жамияти органлари вакиллари хуқуқий билимини оширишга хизмат қилади.

Тадбир доирасида иштирокчилар томонидан оилани мустақамлашда давлат ва нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг ўрни, ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар бўйича тайёрланган материаллар тақдимоти ҳам ўтказилди.

❖ Андижонда вилоят адлия бошқармаси томонидан «Тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатиде назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувлар, суъний ва бюрократик тусиқларни бартараф этиш ва ўрнатилган қонунчилик талаблари бузилишларининг олдини олиш, шунингдек, адлия идораларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

❖ Тошкент Фотосуратлар уйида «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловига тасвирий санъат йўналиши бўйича тақдим қилинган бадий асарлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови жорий йилда «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида юксак савияда, кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.

Танловнинг тасвирий санъат йўналишига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 350 нафардан ортиқ rassom, дизайнер, фотографдан беш ярим мингга яқин ижодий иш тушди.

«Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ғолиблари қўлгуг айём — Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Янги ўқув йили олдидан сарҳисоб

«Баркамол авлод» болалар марказларининг ўтган ўқув йилдаги фаолияти таҳлилга бағишланган республика ўқув семинари бўлиб ўтди.

«Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш омиллари» мавзусидаги семинарда республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказларининг 30га яқин мутахассиси қатнашди. Тренинг машғулотлари шўъбаларга бўлинган ҳолда олиб борилди. Услубчилар фаолиятини янада такомиллаштириш, ўқувчиларни тўғарақларга кенгроқ жалб этиш, оммавий тадбирларни мазмунли ташкил қилиш масалалари муҳокама қилиниб, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

— Ўтган ўқув йилида — бадий ижодиёт, техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва

экология йўналишидаги тўғарақларнинг ёш аъзолари республика ва халқаро кўрик-танловларда мақташга арзигулик натижаларни қўлга киритишди, — деди бадий ижодиёт йўналишидаги республика «Баркамол авлод» маркази услубий бўлим бошлиғи Олмос Норжигитов.

Семинарда марказларда устоз-шоғирд анъанасини йўлга қўйиш, ҳафтанинг бир кунини методик кун қилиб белгилаш тақлифи маъқулланди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Бемор болалар Германияда даволанади

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшл» халқаро ташкилоти билан имзоланган уч томонлама битим доирасида 16 нафар бемор бола Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниш учун жўнатилди.

— Менда бурун ва юқори жағнинг яллиғланиши оқибатида нуқсон юзага келган, — дейди Сурхондарё вилоятидан келган Рисолат Кимсанова. — 2010 йили грант бўйича Германияда даволанган эдим. Янги технологиялар ёрдамида даволаниш учун менга бу йил ҳам имконият беришганидан бағоят хурсандман.

Ҳамкор ташкилотлар то-

монидан 2002 йилдан 2012 йилнинг биринчи яримигача 206 нафар ўзбекистонлик бемор бола терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғими касалликлари каби ташхислар билан Германияда даволанди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 136 нафар туғма лаб-танглай нуқсони бўлган, шунингдек, «Чиройли оёқчалар» каби лойиҳалар асосида 100га яқин ногирон болаларда жарроҳлик операцияси ўтказилди.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА

Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги

янги ўқув йилидан яна ҳам жонланади

Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган «Халқ таълими муассасаларини Мустақиллик байрами, куз-қиш мавсуми ва янги ўқув йилига тайёргарлик ойлари» Термиз шаҳридаги 11-мактабда ҳам кўнгилдагидек ташкил этилди.

Ҳомийлар ва ота-оналар билан ҳамкорликда қурилиш-таъмирлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилди. Синфхоналар, лаборатория жихозлари, спорт анжомлари янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилди. 5—9-синф ўқувчилари учун ижара дарсликлари тартиб билан тайёрлаб қўйилди. Маҳалла, ота-оналар билан ҳам-

корликда ўқувчи либоси ҳам танлаб олинди.

— Бу ҳали ҳамкорлигимизнинг дебочаси. Янги ўқув йилидан бошлаб «Синф раҳбари ва ота-она», «Боланинг тақдирини ўқитувчи ва ота-она ўрни» каби йўналишларда тадбирлар ўтказишни режалаштирганимиз, — дейди мактаб директори Ҳасан Маматвалиев. — Барча ўқитувчиларнинг янги ўқув йили режаси ва «Мустақиллик дарси» ишланмаси тайёр. Билимлар кунининг илк сабогини «Очiq дарс» тарзида ташкил этиб, ота-оналарни тақлиф этишни режалаштираёмиз.

Дилбар НОРМУРОВА,
Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси

Энергияни тежаш йўлига

Миллий матбуот марказида «Электр энергия соҳасини техник ва технологик модернизация қилиш, хорижий сармоя асосида барпо этилаётган янги қувватлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда мавжуд электр ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш, қайта реконструкция қилиш натижасида электр энергиясини тежаш, энергия ишлаб чиқариш жараёнида мазут ва кўмир ёқилгиларидан фойдаланиш кўламини ошириш, коммунал тўловлар тизimini интернет тармоғи орқали амалга ошириш

масалаларига эътибор қаратилди.

— Мутахассис кадрлар масаласига ҳам жиддий эъти-

Matbuot anjumani

бор қаратганимиз, — дейди «Ўзбекэнерго» ДАК бошқарув раисининг ўринбосари Рўзиқул Раимов. — Корхоналар ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигида Тош-

кент давлат техника университетининг ўқув лабораториясида электр энергия ишлаб чиқарувчи ускуна ўрнатилган ва бундан бўлғуси кадрлар унумли фойдаланмоқда. Ушбу таълим муассасасининг энергетика факультети корхонамизга етук мутахассислар етказиб бермоқда.

Корхона томонидан ёш мутахассислар жалб этилган ҳолда қуёш ва шамол қуввати билан ишлайдиган электр станциялари бунёд этиляпти. Дастлабки қурилмалар меҳрибонлик уйлари ва жисмоний имконияти чекланган болалар мактабларига ўрнатилди.

Олим ЖУМАОЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Дахлдорлик шахснинг маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий тарбиясида муҳим ўрин тутади. Айниқса, ёш авлод — ўқувчи ва талабаларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш масаласи чуқур илмий-педагогик ёндашув талаб этади.

Дахлдорлик туйғуси шахсни эзгу мақсад ва амалларга, мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясини намоён этиш, воқеликка нисбатан ҳолисона, тўғри баҳо беришга ундайди. Бу туйғу инсоннинг билим даражаси, моддий аҳволи, ижтимоий мавқеи билан белгиланмайди, балки маънавий тарбия маҳсулидир. Шу боис дахлдорлик фазилати шахснинг виждони билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсоннинг ташқи муҳит, жамиятга боғлиқлигини ифодалайди, фаолият, хулқ-атвор мотивларини белгилайди. Виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни торан ҳис қилишни тақозо этади. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрган-да виждони қийналади, доимо куйиб-ёниб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жонини ҳам фидо қилади».

Шу маънода айтиш мумкин, дахлдорлик фазилати алоҳида ҳолатда эмас, балки бир қанча инсоний сифатлар туркуми контекстида намоён бўлади. «Мафкуравий иммунитет», «миллий гоё», «маънавий-ахлоқий тарбия», «виждон амри», «фидойилик», «ватанпарварлик» каби тушунчалар билан мазмунан бойийди, мукаммалашади. Демак, шахс камолотида

дахлдорлик масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг шаклланишида ижтимоий муҳит, оила ва жамиятдаги таълим-тарбия, атрофдаги кишиларнинг маданияти, ахлоқ-одоби, дунёқараши катта аҳамиятга эга.

Дахлдорлик шахсни ҳара-

лиги ва ободлиги, сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, миллатнинг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саноати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишга ҳар биримиз тайёр туришимиз керак. Халқимиз эришаётган муваффақиятлардан қувониш, она юртимиз билан ғурурланиш, ҳар қарич

да гап кетар экан, бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Юртимизда яшаш, шон-шарафи, бахту саноати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишга ҳар биримиз тайёр туришимиз керак. Халқимиз эришаётган муваффақиятлардан қувониш, она юртимиз билан ғурурланиш, ҳар қарич

этилаётгани дахлдорлик туйғусини ўзида мужассам этган инсонларни тарбиялаш вазифасини устувор қилиб қўймоқда. Бу эса ёшлар дунёқарашини миллий гоё тамойиллари асосида шакллантиришни тақозо этади. Аҳолимизнинг 60 фоиздан кўпрогини ташкил қилувчи 30 ёшгача бўлган авлод мамлакатимиз истиқболини белгилашда муҳим ижтимоий қатлам ҳисобланади.

Дахлдорлик тарбияси замон руҳига мос бўлиши учун XXI аср талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилиши керак. Бунда масаланинг педагогик технологияга доир жиҳати ўта муҳимдир. Шу ўринда Президентимиз Ислон Каримовнинг куйидаги сўзларини келтирамиз: «Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилна фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади». Ўз-ўзидан аёнки, ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатилган ёшларда дахлдорлик туйғуси ҳам кучли бўлади. Демак, мактаб, коллеж, лицей ўқувчисига дахлдорлик туйғусини бошқа маънавий сифатлар билан уйғун равишда сингдириш зарур. Бинобарин, ислом таълимотида одам боласи фариштадек пок бўлиб туғилиши, фақат номақбул муҳит ва лоқайдлик натижасидагина инсоний қиёфасини йўқотиши уқтирилади. Қолаверса, социобиология ютуқлари ҳам инсон тайёр хулқ-атвор дастури, кодлари билан туғилмаслигини, инсоний фазилатлар, хулқ-атвор меъёрлари ижтимоий ҳаёт, тарбия орқали орттирилишини исботлади. Шу маънода ёшларда дахлдорлик фазилатини шакллантириш таълим жараёнининг таркибий қисмига айланмоғи мақсадга мувофиқдир.

Элдор ШЕРМОНОВ,
тадқиқотчи

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

*инсонни бефарқликдан халос этиб,
фаолликка ундайди*

катта келтиришнинг биринчи шарти ҳисобланади. Яъни, бирор ҳодиса ёки факт ҳақида хабар-стимулга шахс қуйидаги икки ҳолатдан бири билан жавоб беради: «**Менга нима дахли бор?!**» дея нофаол бўлади (лоқайдлик билан кўл силтайди ва х.к.). Ёки бўлмаса, «**Менга дахлдор масала**» дея ҳаракатга тушади (беихтиёр ўйлай бошлайди, жавоб беради ва х.к.). Шундай экан, дахлдорлик фазилати одамнинг ижтимоий мавжудот сифатидаги функциясини қанчаллик бажариши ёки бажармаслигини ҳал қилувчи ахлоқий масала, танлаш нуқтасидир. Лоқайдлик туфайли турли жиноят ва ҳалокатлар содир бўлаётган бугунги кунда дахлдорликни ҳар бир инсоннинг етакчи фазилатига айлантириш умуминсоний муаммолардан биридир.

Дахлдорлик туйғусини ватанпарварлик фазилатидан айро тасаввур этиб бўлмайди. Ватаннинг озод-

ери, ҳар бир ғишти ва ғиёҳини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш — буларнинг барчаси киши қалбида ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғулари жўш уриб туришини тақозо этади.

Ватанпарварлик асосан уч босқичда намоён бўлади: 1) Билиш — Ватанга хос қадриятларни англаш ва эгаллаш. 2) Эътиқод — қадриятлар тўғрисида олган билимларини эътиқодга айлантириш. 3) Ҳаракат — бу эътиқодни амалий ишлар орқали намоён этиш. Ёшларимизда Ватан туйғусини камол топтириш, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш муҳим. Фарзандларимизни она юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш билан чекланмасдан, жонажон Ўзбекистон учун амалий ҳаракат қилишга қодир шахс этиб вояга етказиш нафақат таълим муассасалари, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам вазифаси, мажбурияти, бурчи саналади.

Ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғулари тўғриси-

бўлган «мўъжаз ватан»нинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик миллатнинг, халқнинг жипслашувиغا ҳалақит беради.

Биз Ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур».

Дарҳақиқат, ёшларимизни миллат тақдирига алоқадор муҳим қарорлар қабул қилаётганда муайян регионнинг эмас, мамлакат манфаатидан келиб чиқиб фикрлашга ўргатиш дахлдорлик тарбиясидан қўзланган самарани беради.

Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо

ЁШ ИҚТИДОРЛАР МАСКАНИ

Мамлакатимизда ёш авлодни санъатга ошно этиш, иқтидорларни ўғил-қизларга ижодий салоҳиятини ривожлантириши учун ҳар томонлама кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар бунинг ёрқин ифодасидир.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида жойлашган 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўтган йили янгидан барпо этилиб, замонавий усулда жиҳозланди. Машгулотларни юқори савияда ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган санъат мактаби 155 ўринга мўлжалланган. Бу ерда йигирмадан зиёд малякали ўқитувчи болаларга фортепиано, ўзбек чолғулари ижрочилиги, анъанавий хонандалик, эстрада хонандалиги, рақс, амалий ва тасвирий санъат сирларини ўргатмоқда.

Суратларда: болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Дилшода Исоқжонова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.



INTEGRATSIYALASHGAN TA'LIM – SAMARADORLIK OMILI

(“Iqtisodiy bilim asoslari” bo'yicha fan oyligini o'tkazish yuzasidan metodik tavsiya)

Keyingi yillarda iqtisodiy ta'limning barcha bosqichlarida o'quv dasturlarining izchilligi va o'zaro muvofiqligi ta'minlandi. “Iqtisodiy bilim asoslari” o'quv dasturlarida umumiy va qo'shimcha ta'limning integratsiyalashuvi bilan birga, o'qitish mazmun-mohiyatini hayotiy ehtiyojlarga imkon qadar yaqinlashtirishga erishilmoqda. Shu maqsadda 1–4-sinflarda “Iqtisod va soliq alifbosi”, 5–7-sinflarda “Iqtisod va soliq saboqlari”, 8–9-sinflarda “Soliqqa tortish asoslari” o'quv kurslari; boshlang'ich sinflarda atrofimizdagi olam, o'qish, matematika, odobnoma, mehnat, yuqori sinflarda matematika, geografiya, tarix, mehnat hamda Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari turkumiga kiruvchi fanlarga integratsion yondashuv asosida darslar o'tish tashkil etildi.

Umumta'lim maktab o'quvchilariga soliq va soliq to'lovlari to'g'risida boshlang'ich bilimlarni berish va soliqlar xalq farovonligi manbai ekanini tushuntirishda Davlat soliq qo'mitasi (DSQ) bilan hamkorlikda tadbirlar hamda “Iqtisod va soliq saboqlari” to'garaklarida darsdan tashqari mashg'ulotlar tashkil etish maqsadga muvofiqdir.

“Iqtisodiy bilim asoslari” fani orqali yosh avlodga zamonaviy bilim berish, kasb-hunar o'rgatish, iqtidori, qobiliyati va intellektual salohiyatini o'stirish, umuminsoniy va milliy qadriyatlarga sadoqat ruhida tarbiyalashga erishiladi. O'quvchilarni mustaqil hayotga tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi, iqtisodiy savodxonligini yuksaltirib, soliq va boshqa majburiy to'lovlarni o'z vaqtida to'lash ko'nikmasini shakllantiradi.

Umumta'lim maktablarida iqtisodiy ta'limni tarbiya bilan uzviy va uzluksiz olib borish muhim. Tashkil etilayotgan fan oyligida ana shunday vazifalarni amalga oshirish ko'zda tutilgan. Jumladan:

- mustaqillik yillarda mamlakatimizning iqtisodiy sohada erishgan yutuqlarini targ'ib qilish;
- o'quvchilar ongida bozor iqtisodiyoti talablaridan kelib chiqib iqtisodiy madaniyat, yangicha iqtisodiy fikrlash va tafakkurni shakllantirish;
- nazariy bilimlarini amaliyotda mustahkamlash;
- soliq bo'yicha bilim, ko'nikma va malakasini shakllantirish;
- iqtidorli o'quvchilar bilan ishlashning ilg'or usullarini yaratish;
- o'quvchilarni hozirgi zamon fan-texnikasi, axborot texnologiyalari, iqtisod faniga oid yangilik va o'zgarishlar bilan doimo tanishtirib borish;

- o'qituvchi va o'quvchilarning ta'lim jarayonida erishgan yutuqlari, kasbiy va ijodiy mahoratini ommaviy axborot vositalari orqali yoritish;
- ilg'or pedagogik tajribalarni ommalashtirish.

Fan oyligi to'rt hafta davom etadi. Har bir hafta uchun ijtimoiy fanlar uslub birlashmasi tomonidan aniq yo'nalish asosida o'tkaziladigan tadbirlar rejalashtiriladi.

Mazkur tadbirlar maktabning yillik ish rejasiga kiritiladi, pedagogika kengashida tasdiqlanib, ijrosi muhokama qilib boriladi. Fan oyligini tashkil etishda boshlang'ich sinf va yuqori sinf o'quvchilarining imkoniyatlari hamda yosh xususiyatlari e'tiborga olinadi.

1–4-sinflarda:

- “Moddiy ehtiyojlar nima uchun kerak?”;
- “Kim bo'lsam ekan?”;
- “Daromadga qarab buromad?”;

- “Maktab mulki kimniki?” mavzularida tarbiyaviy soatlar;

5–7-sinflarda:

- “Bankir bo'laman?”;
- “Nima? Qanday? Kim uchun?”;
- “Tadbirkorlik?”;
- “Pul muomalasi nima?”;
- “Milliy valyutamiz – faxrimiz?”;
- “Eng yosh iste'molchi” mavzularida davra suhbatlari;
- “Soliq – bolalar nigohida” mavzusida insholar tanlovi;

8–9-sinflarda:

- Mustaqillik yillarda erishilgan iqtisodiy rivojlanish;
- “Tadbirkorlikka e'tibor” mavzularida konferensiya;
- “Soliqlarning iqtisodiy mohiyati” mavzusida insholar tanlovi;
- “Soliqni qanday hisoblaymiz va to'laymiz?” mavzusida eng yaxshi kompyuter taqdimoti;
- “Mening biznes g'oyam?”;
- “Oila byudjeti” kabi mavzularda bilimdonlar bellashuvi, bahs-munozara, davra suhbatlari tashkil etish tavsiya etiladi.

8–9-sinflarda “Oila byudjeti” mavzusidagi bahs-munozara uchun tavsiya etiladigan savollar:

- “Tejamkorlik deganda nimani tushunasiz?”;
- “Oila kamomadi nimalarga olib keladi?”;
- “Tabiiy boyliklar nima?”;
- “Soliqlar vaqtida to'lanmasa ijtimoiy himoyani amalga oshirishda qanday qiyinchiliklar vujudga kelishi mumkin?”;
- “Ma'naviy boylik deganda nimani tushunasiz?” (Prezidentimiz Islom Karimovning «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» kitobi asosida).

Tadbirlarda interaktiv topshiriqlar, savol-javob va qo'shimcha materiallardan foydalanish o'quvchilarda ko'proq qiziqish uyg'otadi. Oylilik davomida o'quv rejadagi

mavzular asosida ochiq darslar tashkil qilib, ijodiy ish (referat)lar tanlovi o'tkaziladi. Hududiy ishlab chiqarish korxonalari sayohatlar uyushtirib, iqtisodchi olimlar bilan uchrashuvlar tashkil qilinadi.

Ochiq darslarga Prezidentimiz Islom Karimovning «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» kitobidagi konseptual g'oyalar, “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari” kitobi, shuningdek, Respublika Iqtisodiyot vazirligi hamda Davlat statistika qo'mitasining «O'zbekiston Respublikasini 2012 yilning birinchi yarmida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari to'g'risida”gi statistik ma'lumotlari mazmun-mohiyatini singdirish maqsadga muvofiqdir. (“Ma'rifat”, 2012-yil 25-iyul).

7–9-sinflarda “Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!” shiori ostida “O'zbekistonning iqtisodiyotda erishgan yutuqlari” mavzusida ochiq darslar tashkil etish zarur.

Oylilik yakunida sinflar va o'quvchilarning tadbirlardagi ishtirokini rag'batlantirish, tegishli xulosalar chiqarish va kelgusidagi vazifalarni belgilab olish lozim. Ta'kidlash joizki, o'quvchilar tayyorlagan eng yaxshi referatlarni to'plam holiga keltirib, maktab kutubxonasiga foydalanish uchun kirim qilish ham rag'batlantirishning bir ko'rinishidir.

Viloyat, tuman, shahar bo'yicha fan oyligi doirasida eng yaxshi dars ishlamlari tanlovini baholash uchun hakamlar hay'ati tarkibi tuziladi. Namunali ishlamlar aniqlanib, amaliyotda foydalanishga tavsiya etiladi.

Respublika ta'lim markazining ijtimoiy, iqtisodiy bilim asoslari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'limi

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ва изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жойларда қад рост-

лаган замонавий таълим-тарбия муассасалари ўғил-қизларнинг юксак билимли, маънавий етук ва соғлом вояга етишига хизмат қилаётир.



Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги 26-мактабгача таълим муассасасида яратилган шарт-шароитни кўрган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Бу ерда тарбияланаётган 160 ўғил-қизни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш мақсадида тўғарақларда қизиқарли маш-

ғулотлар изчил йўлга қўйилган.

Суратларда: Қўштепа туманидаги 26-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Шаҳодат Дадажонов ва муассаса тарбияланувчилари машғулотда.

Муқимжон
ҚОДИРОВ (ЎзА)
олган суратлар.

ҒОЛИБЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ, МАҒЛУБЛАР ЭСА...

камчиликларидан керакли хулоса чиқармоқда

Билимлар беллашувида ўқувчилар қайд этган натижалар умумтаълим мактабларида давлат таълим стандарти талабларининг бажарилиш ҳолати, ўқув муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари рейтингини аниқлаш имконини берди. Тўғри, беллашувда қатнашган 1 300 нафарга яқин ўқувчилардан аксарияти ғолиблар қаторидан жой олгани йўқ. Аммо улар мағлуб ҳам бўлмади. Боиси, баҳсларга тайёрланиш, мавзуларни такрорлаш асносида

билимларини янада мустаҳкамлади, йўл қўйган хато ва камчиликларидан керакли хулосалар чиқарди. Айни кунларда беллашувларда совринли ўринларни эгаллаган ўқувчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Айрим ҳудудларда эса паст натижа кўрсатган мактаб ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятини таҳлил этиш, ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш чоралари кўрилмоқда.

Август ёзининг сўнгги ойи бўлса-да, кўш тафти ҳали пасайгани йўқ. Аммо «Нефтичи» оромгоҳига киришимиз билан салқин ҳаво кўнгилларга ҳузур бағишлади. Мевали ва манзарали дарахтлар билан қопланган боғ, махсус спорт майдончаларида билимлар беллашувининг вилоят босқичи ғолибларидан 100 нафари таътилни мароқли ўтказмоқда.


мов. — Дарсни бетакрор, қизиқарли ўтишга ҳаракат қиламан. Билимлар беллашувига эса ўқув йили бошидан ҳозирлик қўриб, ўқувчилар билан индивидуал машғулотлар олиб борамиз.

Мунтазам изланиш, интилиш бор жойда, муваффақият ҳам бўлади. Нafaқат ўқув йили давомиди, ҳатто таътил кунлари ҳам ёшларга билим улашишдан толмаётган фидойи

«ТЕГИШИ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ»

бироқ муаммо шу билан бартараф этиляптими?

ЯХШИ ШОГИРД УСТОЗИГА ОБРЎ КЕЛТИРАДИ



Уйин майдончасидаги ўриндиқлар ёнига стол ва кўчма доска ўрнатилган. Болалар дам ўқитувчини тинглаб, дам тушунганларини дафтарига қайд этиб бораёпти. Улар яқинлашганимизда бизга одоб билан салом беришди.

— Бухоро шахридаги 17-мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Феруза Баратова, — дея машғул олиб бораётган ўқитувчини таништирди ҳамроҳимиз, вилоят давлат стандартлари мониторинг бўлими мутахассиси Кимё Ражабова. — Ўқувчиси Дилшод Худойбердиев билимлар беллашувининг республика босқичида тарих фанидан 1-ўринни эгаллади. Яхши шогирд устозига доимо обрў келтиради.

Кейинги майдончада Бухоро туманидаги 13-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ўқитувчиси Феруза Эргашеванинг она тили ва адабиёт фанидан ўтказаятган қизиқарли ва мазмунли сабоқларидан мамнун бўлдик. Математика ва информатика машғулоти эса Ғиждудон туманидаги 65-ИДУМИ ўқитувчиси Мақсуд Эгамов бошчилигида замонавий компьютерлар ёрдамида ўтиляпти. Унинг шогирди — 5-синф ўқувчиси Жавохир Нусратуллаев беллашувнинг республика босқичида энг юқори натижа қайд этган.

— Касбимни, болаларни севаман, — дейди Мақсуд Эга-

муаллимларни олқишлагинг келади.

— Мақсадимиз ўқувчиларнинг интеллектуал билимларини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлашдир, — дейди

Кимё Ражабова. — Болалар кунлик режа асосида эрталаб икки соат қизиқарли машғулотларга жалб этилади. Қолган пайтлари спорт майдончаларида шуғулланишади. Уйинлар, турли давра суҳбатлари ташкил қилинади. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят мусиқали драма театри, Бухоро давлат университети мутасаддилари кўмагида санъат ва фан арбоблари, машҳур спорт усталари билан уюштирилаётган учрашув ва суҳбатлар болаларда катта таассурот қолдиради.

Икки соатлик машғулот тугаб, спорт майдончалари болаларнинг гулгурига, боғлар эса қувноқ хайқириқлар ва бегубор қулгуга тўлди. Ҳа, интилганга толе ёр, дейди доно халқимиз. Оромгоҳда мириқиб хордиқ чикараётган болалар рағбатдан куч олиб, янада улкан марраларни забт этишига ишонамиз.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири
Суратда: математика-информатика фани ўқитувчиси Мақсуд Эгамов ўқувчилар даврасида

Халқ таълими вазирлиги мониторинг таҳлилларига кўра, билимдонлар мусобақасида Қашқадар вилояти 10-ўринни эгаллаганди. Бу эса воҳода таълим ислохотлари кўнгилдагидек олиб борилаётганини кўрсатди. Хусусан, беллашувнинг республика босқичида 55 балл («2» баҳо)дан паст натижа қайд этган 28 нафар иштирокчи орасида вилоят вакиллари борлиги, ўқувчилари охириги ўринларни эгаллаган туманлар сирасида Деҳқонобод тумани (кўрсаткич ўртача 67,7 фоиз) ҳам санаб ўтилгани ачинарлидир. Мисол учун, 49-мактаб ўқувчилари беллашувнинг туман босқичида барча фанлардан ўртача 23 балл, 43-мактаб ўқувчилари эса ўртача 31,6 балл, шунингдек, 13-, 88-умумтаълим мактаблари ҳам қониқарсиз натижа қайд этган. Юртимиздаги жами 352та ИДУМ(И) ўқувчилари орасида Деҳқонободнинг 89-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўртача

Dolzarb mavzu

59,52 балл билан 329-ўринни «забт этган».

Бугунги кунда туман мактабларида 3206 нафар ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 76 нафари олий, 561 нафари биринчи, 1233 нафари иккинчи тоифали ўқитувчи бўлса, 1336 нафари мутахассис муаллимдир. Педагоглардан 355 нафари ҳам касбий маҳорати, ҳам тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун 25—30 фоиз, 700 нафари касбий маҳорати, қолганлари тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун 10—15 фоиз миқдорда устама ҳақ олмақда.

Бироқ моддий рағбатнинг самараси амалда кўзга ташланмаяпти. Аксинча, бир қатор мактабларда ўқувчиларнинг билим кўрсаткичлари пасайиши ҳолати кузатилган. Математика, инглиз тили каби фанлар бўйича қатнашган ўқувчиларнинг туман, вилоят ва республика босқичларида кўрсатган натижалари ўрта-

сидаги тафовут катта. Бу беллашувларнинг қуйи босқичлари талаб даражасида ташкил этилмагани ва ҳолисона ўтказилмаганидан далолат бериб турибди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Халқ таълими вазирлиги ҳайъат йиғилиши қарорига биноан, билимлар беллашувини ташкил этишда назоратни сўсайтиргани ва масъулиятсизлиги учун Деҳқонобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирига «хайфсан» эълон қилинди. Шунингдек, ўқувтарбия жараёни талаб даражасида ташкил этилмагани сабабли 89-ихтисослаштирилган мактабнинг мақомини қайта кўриб чиқиш белгиланди. Шу асосда туман ХТМФМТЭ бўлимига вазиятни ўнглаш борасида зарур тавсиялар берилган эди. Хўш, ўтган вақт давомида белгиланган вазифалари бажариш учун қандай ишлар амалга оширилди, хато ва камчиликлар бартараф этиляптими?

Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида 13-умумтаълим мактабида бўлдик. Таассуфки, бу ерда таълимтарбия олаётган 19 нафар ўқувчидан бирортаси ҳам беллашувнинг туман босқичидан нарига ўта олмаган. Шунга қарамай, билимдонлар баҳсидан сўнг ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш масаласи кўриб чиқилмаган. Умумтаълим муассасаларини Мустақиллик байрами, янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтириш ойлиги яқунланган бўлса-да, ўқув объекларида бирор-бир ободонлаштириш ёки таъмирлаш ишларига қўл урилмаган. Мактаб ҳовлиси ва спорт майдончалари қаровсиз аҳволда... Шундай экан, муассаса ўқувчию ўқитувчилардан юқори натижалар кутиш мумкинми? 89-ИДУМда ҳам аҳволни ўнглаш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрилмаган.

Туман ХТМФМТЭ бўлими мутасаддиларининг айтиши-

ча, беллашувнинг қуйи босқичлари киш фаслида ўтказилиши ўқувчилар кўрсаткичи пастлигининг асосий сабаби экан. Таъкидлашларича, тумандаги мактабларнинг аксарияти тоғли ҳудудда жойлашгани боис киш-кировли кунларда ўқувчиларни туман ёки вилоят марказига олиб боришнинг имкони бўлмапти. Хўш, ўғил-қизларнинг беллашувда иштирок этолмаётганига сабаб шу экан, унда баҳсларда қатнашаётган ўқувчиларнинг натижаси пастлигини қандай оқлаш мумкин?! Ахир, бундай пайтда баҳона қидирмасдан, ташаббускорликни қўлдан бермай, худди шундай шароитга эга илғор туманларнинг тажрибасини ўрганиш, жорий этиш муаммони бартараф этишда энг тўғри йўл эмасми?!

Билимлар беллашувда Қарши шахри, Китоб ва Шаҳрисабз туманлари вакиллари муваффақиятли иштирок этган бўлса-да, Чирокчи туманидаги 37-, 39-, 97-, Яқабоб туманидаги 78-, 81-, Қамаш туманидаги 85-, 29-, 55-, 57- ҳамда Нишон туманидаги 25-, 28-, 21-, 29-, 37- ва бошқа умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг қониқарсиз натижа қайд этгани боис, вилоят бўйича иштирокчилар билим даражаси ўртача 69,9 балли ташкил этмоқда. Вилоятни орқага тортаётган умумтаълим муассасаларида камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмаётгани янада ачинарлидир.

Хатосини тан олиш ҳам марднинг иши. Шундай экан, йўл қўйилган камчиликларни ҳаспўшлаш ўрнига амалий ишга киришиш лозим. Бунинг учун таълим муассасаси раҳбаридан алоҳида ташаббус, аниқ Змақсад ва режа талаб этилади. Ўйлаймизки, муассаса мутасаддилари ва ўқитувчилар камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, келгусида зуқко, билимдон ёшларни тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ИМОМ БУХОРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ

Барча юртдошларимизни
Муборак Рамазон ҳайити
ва яқинлашиб келаётган
айём — Ўзбекистон


Республикаси мустақиллигининг

21 йиллиги билан

самимий қўтлаймиз!

Ватанимиз фаровонлиги
йўлида олиб борилаётган ишларда
барчага Оллоҳдан эзгуликлар,
ҳар бир хонадонга хайр
барока тилаб қоламиз.

Рамазон ҳайити
муборак бўлсин!



«MATBUOT TARQATUVCHI» aksiyadorlik kompaniyasi

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН,
ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУСТАҚИЛЛИТИНИНГ
21 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
БИЛАН БАРЧА
ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ
МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ.
МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИ
ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН
ЮРТДОШЛАРИМИЗГА
СОҒЛИК-САЛОМАТЛИК,
ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИК,
КЕЛАЖАКДАГИ ЭЗГУ
ИШЛАРИГА ОМАД
ВА ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!



ЎЗБЕКИСТОН ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ!







ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Азиз ватандошлар!

«SHARQ»

нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
жамоаси Сизларни
Мустақиллигимизнинг
21 йиллиги билан
самимий муборакбод
этади!



«SHARQ» — ўз анъаналарига содиқлик, юксак
технология, замонавий услуб!

Барча турдаги нашрчилик маҳсулотлари
ҳамда матбаачилик хизматларини таклиф этамиз.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар туфайли олий таълим муассасаларида ҳам малакали, етук кадрлар тайёрлаш имкониятлари кенгаймоқда. Хусусан, Самарқанд давлат тиббиёт институтида талабаларга чуқур билим бериш замонавий ахборот ва медицина технологияларини амалиётда моҳирлик билан қўллаш орқали амалга оширилади.

Институтимизда мустақиллик йиллари қатор хорижий давлатларнинг тиббиёт олий ўқув юртлири ҳамда илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Натижада малакали мутахассислар тайёрлаш сифат ва самара-

тиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиб, амалиётга татбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатларидаги етакчи тиббиёт олий ўқув юртлири ва илмий-текшириш институтлари билан илмий-амалий ва

диологлар жамиятининг расиси жаноб Рейнер Рейнмюллер раҳбарлигидаги Греция, Швеция ва Швейцария давлатларининг шу соҳалар бўйича етакчи тиббиётчи-олимлари, қозғоситонлик мутахассислар юртимиз тиббиёт тизимида амалга оширилган ислохот ва эришилган ютуқларни эътироф этишди.

Германиянинг академик алмашинув хизмати (DAAD) ташкилоти билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. DAAD томонидан ўтказилган «Германияда тиббий таълим» мавзусидаги халқаро инфор-мацион семи-

га чиқариш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, соҳадаги тажрибаларни янада оммалаштириш мақсадида қўллаб маърифий тадбирлар, халқаро илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Хусусан, «Болалар урологияси: эришилган ютуқлар ва келажак истиқболлари», «Болаларда остеомиелитнинг диагностикаси ва хирургик даволашга янги қараш», «Кардиохирургия ривожининг ютуқлари ва истиқболлари», «Болаларда хирургик касалликлар диагностикаси ва даволашга замонавий ёндашув», «Болалар урологиясида замонавий технологиялар» каби тадбирлар соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Jarayon

институтимиз ахборот-ресурс марказининг китоб фонди 300 мингдан ортиқдир. Шунингдек, хорижнинг 40та, республикамизнинг эса 20 номдан ортиқ журналлари изланувчан талабаларимиз ихтиёрида. Бундан ташқари, ахборот технологиялари маркази фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, 34та замонавий компьютердан иборат зал, замонавий клиник ўқув лабораториясида талабалар тиббиёт сирларини ўзлаштиришмоқда. Хар бир дарс амалиёт билан уйғун олиб борилади. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида талабалар тураржойида кутубхона ва компьютер хоналари фаолияти йўлга қўйилган.

Умуман олганда, 6та факультет, улар қошидаги 63та кафедра ва курсларда талабаларнинг етарли билим олиши учун барча имкониятлар яратилган. Имкониятлардан самарали фойдаланаётган иқтидорли, изланувчан ёшларимизнинг ютуқлари жамоамизни фахрлантиради. Сўнгги йилларда илмий-тадқиқот учун 25та патент олинган, 174та рационализаторлик тақдирлар киритилган, 30 га яқин дарслик, монография ва ўқув қўлланмалари, 822та ўқув-услубий қўлланма, 5700 га яқин илмий мақолалар chop этилган институтда кенг йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳамда жамоанинг изланувчанлигидан далолатдир.

Шухрат ЮСУПОВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий ишлар бўйича проректори

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК: ИМКОНИЯТ ВА САМАРА

дорлиги оширилди. Жумладан, иқтидорли талабаларимиз мунтазам равишда болалар хирургияси, анестезиология ва реаниматологиянинг долзарб муаммолари бўйича талабаларнинг халқаро илмий конференцияларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Бу каби илмий конференциялар бўлажак шифокорларнинг соҳага қизиқишини янада орттириши шубҳасиз. Ҳозирги кунда улар орасидан фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига эришганлари талайгина.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан яна бири — дунёнинг тараққий этган давлатлари олий ўқув юртлири ва илмий марказлари билан муносабатлар ўрна-

шув ишларини ривожлантириш бўйича халқаро меморандумлар ва шартномалар имзоланган. Ушбу битимлар асосида институтимиз профессор-ўқитувчилари хар йили хориж ўқув юртлирида ўз малака ва тажрибаларини ошириб келмоқдалар.

Австриянинг Грац тиббиёт университети олимлари иштирокида ўтказилган халқаро илмий-амалий семинарда Европанинг етакчи олимлари билан тиббиёт соҳасидаги илмий янгиликлар, касалликларнинг олдини олиш ва уни янги даволаш усуллари хусусида тажриба алмашилди. Европа радиологлар мактабининг асосчиси, Грац тиббиёт университетининг профессор, Европа кардиора-

нардда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг етакчи олимлари ва профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этдилар. Шунингдек, институт олимлари Германиянинг таълим ва илмий-тадқиқотлари ўтказиш федерал вазирлиги (BMBF) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил қилинган «Немис фани куни» мавзусидаги халқаро форумда қатнашиб, Германиянинг бир қатор тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Институтимизда талабаларнинг иқтидорини рўёб-

Ҳозирги кунда институт педагогларидан 10 нафари номзодлик ва докторлик диссертацияларини хорижий мамлакатларнинг тиббиёт олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда бажармоқда.

Албатта, халқаро конференцияларга мезбонлик қилиш учун олий ўқув юртининг илмий салоҳияти, талабаларнинг иқтидори билан бирга ўзлаштириш самарадорлиги ҳам юқори бўлиши, муассасада замон талабларига жавоб берадиган шароитлар яратилиши зарур. Талабанинг чуқур билим олишида эса ахборот-ресурс марказидаги манбалар фонди бойлиги муҳим ўрин тутати. Бугунги кунда

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Жиззах шаҳридаги «Ниҳол» номли 8-МТМда 280 нафар кичкинтой тарбиясига 30 нафар малакали педагог масъул. Мактабгача таълим маскани бутун чинакам боғчага айланган.

Бундан бир неча йил муқаддам тарбиячи Гулсара Исоқова ташаббуси билан муассаса ҳудудида мўъжазгина боғ яратилганди. Ҳозир мевали дарахтлар айни ҳосилга кириб, ҳовли гулларга бурканган.

Табиат инъомларидан тайёрланган ичимликлар кичкин-

БОҒЧАГА АЙЛАНГАН БОҒЧА

тойларнинг кучига куч қўшаяпти. Томорқада етиштирилаётган помидор, қарам, булғор қалампири каби сабзавотлар ва қўкатлар иссиқ овқат таннархини камайтириб, витаминли ва тўйимлилигини таъминламоқда.

— Яшил олам шовқинни камайтиради, — дейди муассаса мудираси Дилором Обидова. — Дарахтлар мевасию ишлаб чиқараётган кислороди — турган-битгани фойдали.

Боғча ҳудудида ота-оналар ёрдами билан 600 тулдан зиёд дарахт қўчатлари ўтказилди. 1000 туп терак қаламчалари ҳам баравж ўсмоқда.

Яқинда Жиззах шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари ўртасида хонаки гуллар парвариши бўйича ўтказилган кўрик-танловда ҳам «Ниҳол» тарбияланувчилари биринчиликини қўлга киритгани бежиз эмас.

Абдулла САИДОВ

ЎЗИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЭЛИМ!

Ўзбекистон — мустақил! Тинчлик мустаҳкам бу элда. Байроғимиз дунёнинг энг юксак майдонларида мағрур ҳиллараб, мадҳиямиз баралла янграмоқда. Ўзбекни дунё тан олди.

Халқимиз меҳнаткаш, меҳмондўст, эшиги ҳамиша очик. Ўзбек хонадони борки, ўчоги бор. Ўчоқда олов шиддат билан ёнади. Қозон биқирлаб қайнайди. Ўзбекона ош, иссиқ чой ҳамиша дастурхон кўрки, зийнати. Қовун-тарвузлар мазали, тилни ёради. Мевалари малҳам. Уйи-ҳовлиси тўла барака, фаришталар айланади.

Ўчоғингдан айланай ўзим, қозонингдан айланай ўзим!

Тандирсиз уй йўқ, бу юртда. Бобомолардан мерос тандир ўзи лойдан яралган. Оддий лойда ажиб бир куч бор, сеҳр бор. Иссиқ тандирдан узилган ширмови ноллар саватни тўлдирди, хиди бутун ҳовлини тутди. Қанча одамнинг ризқ-насибасига айланади.

Тандирингдан айланай ўзим, тўққингдан айланай ўзим!

Ўзбекинг оstonаси, тиллодан. Ўғиллари-қизлари кўп, серфарзанд. Саломлари, қуллуқлари кўп. Оппоқ соқолли

боболар, оқ рўмолли момолар дуоси фарзандларга ҳамиша ҳамроҳ. Ниятлар пок, тилаклар оқ: «Тинчлик бўлсин, тўйлар бўлсин!».

Дуоингдан айланай, бобо, тилагингдан айланай, момо!

Она тупроқ — азиз тупроқ. Борлигимиз — бойлигимиз. Ҳамиша ардоқлаймиз, кўзларга суртамыз. Тўғиё ҳаммамизга. Ахир, бу тупроқда буюк боболар ётибди. Улуг аждодлар хоки бор.

Тарихларга бой, таърифларга бой бу тупроқ.

Тупроғингдан айланай ўзим, заминингдан айланай ўзим!

Юртим тинч, кунлар осойишта. Тунлари осуда-ойдин. Йигитчалар овози, қизларнинг шўх кулгулари баралла эшитилади. Мард ўғлонлар чегарада ҳамиша ҳушёр. Кексаларнинг уйқуси тинч, кунлари роҳату фароғатда. Чунки йимон-эътиқоди бут!

Такдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Абдурахим БОЗОРБОВ,
Марҳамат туман ХТМФМТЭ бўлими масъул ходими.

Bag'ishlov

МОЗИЙ КИТОБИНИНГ МУҚАДДАС ЖАВОҲИРИ

2004 йил май ойи. Нурота чашмасидан бир ой мобайнида нур таралиб турди. Мамлакатимиз ва жаҳон оммавий ахборот воситалари гаройиб ҳодисани батафсил ёритиб борди. Ҳеч қандай тўқима ва бўрттиришларсиз бу нурнинг табиийлиги исботланди. Чашманинг мўъжизакорлиги олдида ҳамма лол қолди... Нуротага бир йилда ўнлаб мамлакатлардан сайёҳлар келиши бежиз эмас.

Ноёб кўрикхона

... Ниятларимиз ижобат бўлиб, Нуротага йўл олдик. Тошкентдан Ўзбекистоннинг қоқ маркази — Нурота туманигача 480 километр. Денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган Нур чашмаси атрофида минг йиллар мобайнида Нур ота — Шайх Абулҳасан Нурий мақбараси, IX аср ёдгорлиги Чилустун жомеси, XVI асрда қурилган Панжавақта катта гумбаз масжиди, Нургүл бинти Абулҳасан мақбараси, Нургүлота қудуғидан иборат яхлит табиий-меъморий мажмуа қад ростлаган. Бундай табиий — чашма ландшафти, биологик — хонбалиқлар, тарихий-меъморий — масжид, мадраса ва мақбаралар, археологик — Нур қалъаси, тиббий — шифобахш булоқ суви сингари омиллар муҳассамлашган кўрикхона дунёда ноёбдир. Олимларнинг фикрича, чашма атрофидаги маданий қатлам 35-40 минг йилларга тенг.

Икки нур

Нур чашмаси Ўзбекистоннинг энг сервус булоқларидан бўлиб, бир соғияда 380—400 литр сув қайнаб чиқади. Булоқ кўзида 18х10 метрлик дарғотховуз қурилган. Сувнинг тинчлигидан ҳар бир кўздан обихаёт қандай қилиб сизиб чиқаётганини бемалол кузатиш бўлади. Булоқ суви тарки-



ҳайтдан симирганлари сайин тетиклашаверишибди...

Яна бир ривоятда айтилишича, Искандар Зулқарнайн атрофга мағрур назар ташлаб турганида бир булоқдан нур ёғилиб, ҳаммаёқни мунаввар этаётганини кўради ва лашкарбошисига: «Мен юришлардан қайтиб келгунча тоғ устига шундай бир қалъа қургинки, уни мендай ҳокони замон ҳам ололмасин. Бу кўргонни Нур деб атанлар», дея амр этади. Қисқа муддатда мустаҳкам қалъа қад кўтаради. Жангудаллардан ҳориб келган Искандар янги Нур шаҳрини танимайди ва қалъани яна босиб олишга уринади. Бироқ

Нурота ҳақидаги тадқиқотлар орасида филология фанлари доктори Шомирза Турдимовнинг изланишлари алоҳида ўрин тутади. Таниқли фольклорчи олим тарихий манбаларга таяниб, икки-уч минг йил илгари Каспийнинг шарқий қирғоқларидан тортиб, бизни қизиқтираётган жой — Нурота тизмаси атрофи ва ундан берида ҳам, умуман, Турон пасттекислигида сак, массагет каби қадимги туркий қабилалар яшаганини таъкидлайди.

Нурота эса ўша халқлар учун ягона диний, эътиқодий, муқаддас марказ бўлиб, йирик фенологик календарнинг бир қисми эди. Шомирза Турдимов ҳудуднинг табиий шароитини ўрганиб, бу ерда "Авесто"даги етти қаршварга ҳамоханг етти қўрут борлиги ва улар қуёшнинг қишқизги ботиши чегараларини белгилаш, баҳорги-кузги тенгқушликни аниқлашга хизмат қилишини ёзади. Қадимги аждодларимиз марказий қўрутда туриб, қуёш ҳаракатини Лангар, Қўрли, Қувқалла ("Авесто"да Хуарйа) сингари чўққиларга нисбатан кузатган, фаслар алмашинуви тўғрисида ва бошқа муҳим астрономик хулосаларга келган. Шу маънода Нурота булоғидан таралган жилони муайян қияликда тушган қуёш нурининг сувда аксланиши дея асослаш мумкин. Энг қизиғи, ҳудуд аҳолиси дунёқарашиде, хусусан, халқ оғзаки ижодида кўҳна инонларнинг қолдиги ҳалигача сақланиб қолган.

Сайёҳат дарси ва зийрат одоби

Ўзбекистоннинг нур ёғилган бу кўҳна гўшаси ҳақида саёҳатчи ва зийратчиларга тўлақонли маълумот бериш мақсадида 1988 йили Ўлкашунослик музейи ташкил этилган. Ҳозир Нурота табиий-меъморий мажмуаси музейи сифатида фаолият юритаётган масканда кўплаб илмий тадқиқотлар, археологик изланишлар туфайли кимматли экспонатлар жамланган.

Сайёҳатчилар орасида ўқувчилар ҳам кўплиги боисини сўраганимизда музей раҳбари Шавкат Исмоиловда вилоятнинг турли ҳудудларидаги таъ-

лим муассасалари ва Нурота туманидаги 58та умумтаълим мактаби ўқувчилари мунтазам равишда қадамжого сайёҳат уюштирилиши айтиди:

— Бир йилда Нуротага 27-28 минг сайёҳ келади, шундан 10-11 мингини ўқувчи ва талабалар ташкил қилади. Биз уларга 25 турдаги археологик, тарихий мавзулар таклиф қиламиз ва хоҳишларига қараб суҳбатлар уюштирамиз. Олайлик, ҳозир тумандаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ва 5-мактаб ўқувчилари билан Нурота тизмасидаги қоятош чизмалари, яъни петроглифлар бўйича суҳбат ўтказаямиз. Ҳар бир ўқувчи қизиқарли мавзу юзасидан бобо-бувиларидан эшитган ҳикоялари асосида иншо ёзиб, ўқувчилари билан ҳамкорликда кичик тадқиқотлар олиб бориши масала ҳат бердик. Атрофимизда кўплаб қадимий жойлар бор, ёшлар музейимизга тарихий топилмаларни олиб келишадди. Бундай ўқувчилар меҳнат қадрлаиб, алоҳида рағбатлантирилади ва экспонатлар эҳтиётлаб сақланади. Мана шундай яқин ҳамкорлик қилиб, вилоятимиз ўқувчиларининг «Сиз тарихни биласизми?» республика кўрик-танловиде муваффақиятли иштирок этишига оз бўлса-да ҳисса қўшаямиз, деб ўйлайман.

Музейдаги каштачилик, кулолчилик ва мармар буюмлар билан қизиқиб танишаётган ўқувчилар 42-умумтаълим мактабидан келишган экан. Бу ўқувчиларга ҳамроҳлик қилаётган ўқитувчи Абдурашул Эргашевдан сафар муддаоси ва таассуротлари ҳақида сўрадик.

— Худудимизда азалдан каштачилик ривожланган. Ўқувчи қизларимиз кашта тикиш санъатини мактабимиздаги тўғарақдан ҳам ўрганишадди. Ўғил болаларни касбга йўналтириш борасида ҳам музейнинг ўз ўрни бор. Бу ердаги ҳунармандчилик намуналарини томоша қилиб, қизиқши ортидан ўқувчилар шундай тўғарақларга қатнай бошлайди. Тарихий жойларга саёҳат қилиш, қолаверас, ўлкашунослик тўғарагида изланишлар олиб бориши учун ҳам туртки беради.

Республика ҳунармандлар

уюшмасининг энг ёш аъзоси, 4-синф ўқувчиси Мухаммадали Остоновни суҳбатга тортдик.

— 1-синфда ўқитувчимиз бизни шу ерга олиб келганида кулоллар меҳнатига қизиқиб қолгандим. Кейин бу санъат сирларини ўргана бошладим. Яқинда миллий ҳунармандчилик бўйича республика танловиде муваффақиятли иштирок этдим.

Асрий қадриятларимиз, кўҳна тарихимизни ўз бағрида авайлаб сақлаб келаётган Нурота қадамжосиде ёшлар нафақат олган билимларини мустаҳкамлайди, балки миллий ҳунармандчилик, сайёҳларга хизмат кўрсатиш каби касбларга йўналтирилади. Улар зийрат одобини ҳам яхши билишадди.

Сайёҳлар нима дейди?

Нурота тарих билан замонамиз ўртасидаги «забардаст кўприк» деган хулосага келиб, ўқувчилар даврасидан қайтаётганимизда Шайх Абулҳасан Нурий мақбараси атрофида бир гуруҳ хорижлик сайёҳларга дуч келдик. Уларда Нурота қандай таассурот қолдиргани билан қизиқдик.

Элизабет Мишель, Франциялик сайёҳлар гуруҳи раҳбари:

— Нуротанинг қадимий сўзанаси Франциянинг Лувр музейиде сақланади. Биз тарих нафаси уфуриб турган бу қадамжони ўз кўзимиз билан кўргани келдик. Мустаҳкам қалъалардан қолган тепаликларда яна археологик қазилмалар олиб борилса, кўплаб ноёб экспонатлар топилса керак.

Ли Конг, япониялик сайёҳ:

— Зарафшон дарёсини Movarounnahrning «oltin uzugi» деб билар эдим. Энди Нуротани унинг «ёқут кўзи» деб аташ хато бўлмайди. Кўҳна обидаларнинг қадимий меъморчилик аъёналарига яқинлаштириб, санъат даражасида таъмирлангани унинг тарихий қийматини янада оширган...

... Нуротадан қалбиимиз нурга тўлиб, Тошкентга қайтамиз. **Насиба ЭРХОНОВА, «Ma'rifat» мухбири**

Тошкент — Нурота — Тошкент



бида хлор, сульфат, калий, магний, кальций, кремний, карбонат, натрий, олтин, кумуш ионлари каби фойдали микроэлементлар борлиги аниқланган. Ҳарорати эса ҳайратомуз — қишин-ёзин доимо бир хил +19,5 градус.

Тарихда Абу Абдулло Рудакий «Дунёда иккита нур бор. Бири қуёш нури, иккинчиси Нур чашмасидир», дея бу қадамжони улуглаган.

Ривоят ва ҳақиқат

Қадим замонларда бир қарвон тунни тоғ бағрида ўтказадди. Мусофирлар саҳарда уйғониб, сирли мўъжизанинг гувоҳи бўлишадди: тепалик ортида қандайдир нур жилоланиб, ҳар томонга таралармиш. Қўрқув ва ҳаяжон босган йўловчилар аста мўралаб қарашса, нур булоқ сувидан таралаётган экан. Улар бу оби-

мустаҳкам деворлардан ўтиш амримаҳол эди. Шундагина у ўзи ҳам эгаллай олмайдиган истеҳком бунёд этилганини англайди.

Нурота — маёқ, Нурота — қўрут

Ушбу тарихий қалъа археологлар томонидан ўрганилганда архитектурасининг ўзига хос жиҳатлари аниқланган. Хусусан, Кичик айиқ юлдузлар туркумига мос равишда 7та минора ва уларни бириштирувчи йўлақлар барпо қилинган. Қалъанинг ичидан махсус зина билан паства тушиб, бино остидадан оқиб ўтаётган чашма сувидан олиб чиқиш мумкин бўлган. Шаҳарнинг қайси томонидан қирсангиз ҳам, Нурота тарихий обидаси худди маёқ сингари марказдан кўзга ташланади.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» — 2012 йил республика танловида қатнашаётган ўқув адабиётлари Р Ё Й Х А Т И

Т/Р	Ўқув адабиётлари- нинг номи	Муаллифларнинг Ф.И.О.	Нашр йили, нашриёт номи	Тақдим этанг муассас- санинг номи
1	2	3	4	5
ДАРСЛИКЛАР				
1.	Хозирги қорақалпоқ адабий тили	Давлетов А., Давлетов М., Кудайбергенов М.	Билим, Ўқус-2010 й.	ҚҚДУ
2.	Муомала маданияти	Хусов Б., Фуломов В.	Ўқус-2009 й.	ЎЗМУ
3.	Назарий механика (1-жилд)	Файзуллаев Б.	Ўқус-2011 й.	ЎЗМУ
4.	Электродинамика (2-жилд)	Абдумаликов А.	Ўқус-2011 й.	ЎЗМУ
5.	Квант механикаси (3-жилд)	Мусаханов М., Рахматов А.	Ўқус-2011 й.	ЎЗМУ
6.	Ўсимликлар физиологияси	Бекназаров Б.	Ўқус-2009 й.	ЎЗМУ
7.	Алоқшунослик	Абдулла Шер	Ўқус-2010 й.	ЎЗМУ
8.	Гносеология-билиш назарияси	Шермухамедова Н.	Ўқус-2011 й.	ЎЗМУ
9.	Тарих ўқитиш методикаси	Тошпўлатов Т., Гафуров Я.	Ўқус-2010 й.	ЎЗМУ
10.	Шайх ва жамият	Ализов Ш.	Ўқус-2010 й.	ЎЗМУ
11.	Журналистика асослари	Қозоқбоев Т., Худойқулов М.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДСМИ
12.	Яхшилик қўшиқчилиги	Пирматов Ш.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДСМИ
13.	Эстрада ва оммавий тошлар тарихи	Умаров М.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДСМИ
14.	Самостоятельная работа студентов по методике преподавания	Ахмедова Л., Кон О., Яриев У.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТУ
15.	English for professional development	Бакиева Г., Ирискулов М., Исмамухамедова Н., Ким О.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТУ
16.	Экологик мониторинг	Ерматова Д.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТУ
17.	Волейбол назарияси ва услубияти	Айрапетянц Л., Пулатов А.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
18.	Жихозлар ва лойиҳа-лаш асослари	Отказанов Т., Искандарова М., Рахимова Р., Отказанов Е.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
19.	Муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси	Рўзиёв Э., Аширбоев А.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
20.	Анорганик кимё	Тўхтаев Х., Аристанбеков Р., Чўлонов К., Аминов С.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
21.	Фармацевтик кимё (1, 2-қисм)	Ибодов А., Юнускужаев А., Ўбайдуллаев Қ.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
22.	Махсус дори турлари технологияси	Назарова З., Туреева Г.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДЖТИ
23.	Органическая химия	Гарибян И.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
24.	Ўқимчилик саноатида муҳит муҳофазаси (2-нашр)	Ганиев Т.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
25.	Технологик жарайонларни лойиҳалаш	Маджидова Ш., Расулова М.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
26.	Тикув буюмларини қондириш	Камилова Х., Хамраева Н.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
27.	Народная медицина	Ли Б.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
28.	Оқатланиш гигиенаси	Шайхова Г., Бахритдинов Ш., Саломова Ф., Алимова Р., Фуломов Ш., Эрматов Н., Шовалиев И., Чўлонов И., Азизова Ф., Куриязова С., Тошматова Г., Ибрагимов Т., Қурбанова Х., Отажонов И.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
29.	Болалар неврологияси	Содиқова Г., Ахмедов А., Турсунходжаева Г.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
30.	Поликлиник педиатрия ва реабилитология	Шомилов З., Акбаров Ш., Улугов А., Агамова Ш., Даворова М., Махмудова Г.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
31.	Молия	Вахобов А., Маликов Т.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
32.	Фавқуллодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси	Нигматов И., Тожиёв М.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
33.	Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари	Примкулов М., Раҳмонбердиев Ф., Акмалова Ф.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДЖТИ
34.	Экономическая теория	Нигматжанов У.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
35.	Электр ускуналар эксплуатацияси ва таъмирлаш	Рахматов А., Исаков А., Байзаков Т., Юнусов Р.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДЖТИ
36.	Электр машиналари	Салимов Ж., Пирматов Н.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
37.	Умумий геология	Тошмухамедов Б.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
38.	Технологик жарайонларни назорат қилиш ва автоматлаштириш	Юсупбеков Н., Мухамедов Б., Фуломов Ф.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
39.	Саноат чиқиндиларини тазалаш технологияси асослари	Мусаев М.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
40.	Ифодали ўқиш практикаси	Машарипова З.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
41.	Олий математика асослари	Абдуллаева Б., Ражабов Ф., Машарипова С.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
42.	Методика преподавания математики	Таджиева З., Абдуллаева Б., Жумаев М., Сидельникова Р., Садикова А.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
43.	Современные технологии преподавания русского языка и литературы	Магдиева С., Курбанов А.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
44.	Чолу икчиллиги (Дўтор мисолида. Эл. дарслик)	Рахимов Ш.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
45.	Экология (Эл. дарслик)	Турсунбоева Г., Офтобжонбаева Х., Мирхамидова П., Норбобоева Т.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
46.	Педагогика назарияси ва тарихи	Мавлонова Р., Вохидова Н., Раҳмонкулова Н.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
47.	Классик ва квант физика-нинг қўшимча боблари	Расулов Э.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ

Т/Р	Ўқув адабиётлари- нинг номи	Муаллифларнинг Ф.И.О.	Нашр йили, нашриёт номи	Тақдим этанг муассас- санинг номи
1	2	3	4	5
ДАРСЛИКЛАР				
48.	Педагогик маҳорат	Холиков А.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
49.	Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар	Толипова Ж.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
50.	Аграр саноат мажмуаси иқтисодиёти	Халимов Р.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДЖТИ
51.	Ахборот технологияси ва тизимлари	Алимов Р., Йўлчиева Г., Рўхсидбоев О., Алишов Ш.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
52.	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўқигани буйича УУМ	Бекмуродов А., Маждидов И.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
53.	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўқигани буйича УУМ	Бекмуродов А., Маждидов И., Гофуров У., Мустафақулов Ш.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
54.	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқинлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг мажлисидаги "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини кўсатириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусидаги маърузасини ўқигани буйича УУМ	Бекмуродов А., Маждидов И., Гофуров У., Мустафақулов Ш.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
55.	Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари	Уразов К., Вохидов С.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
56.	Менеджмент назарияси	Қосимова Д.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
57.	Тупроқ мелiorацияси	Абдуллаев С., Номозов Х.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
58.	Электроника	Арипов Х., Абдуллаев А., Алимова Н., Бустанов Х., Обедов Э., Тошматов Ш.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
59.	Телевидение	Таджибаев Ш.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
60.	Электр алоқа назарияси	Абдуазизов А.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
61.	Телекоммуникация тармоқлари	Гултурраев Н., Ходжаев Н., Нормуродов А.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
62.	Она тили 7-синф (2-нашр)	Махмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Набиева Д., Мирзаамхмедов А.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДЖТИ
63.	Она тили 5-синф (3-нашр)	Махмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Қодиров В., Жўрабоев З.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
64.	Адабиёт 5-синф (1, 2-қисм, 2-нашр)	Ахмедов С., Қосимов Б., Қўчқоров Р., Ризаев Ш.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
65.	Китоби Хониш 3-синф	Азимов Ю.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
66.	Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси	Акрамов Х., Нуритдинов Х.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
67.	Био ва иншоотларни таъмирлаш материалшунослиги	Самигов Н.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
68.	Автотранспорт воситалари сервис	Икрамов М., Сидиқназаров К., Абдурамоннов А., Мусажонов М., Бозоров Б., Қодиров Т., Тожиёв А., Қўчқоров Р., Аллоҳжонбаев А., Магдиев Ш., Рузмаев Т.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
69.	Геометрия (1, 2-қисм)	Исроиллов И., Пашаев З.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
70.	Ички савдо иқтисодиёти	Абдукаримов Б.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
71.	Хайвонларнинг ички юқумсиз касалликлари	Норбоев К., Бакиров Б., Эшбориев Б.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДЖТИ
72.	Яйловшунослик	Махмудов М., Хайдаров Қ.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
73.	Ветеринария-санитария экспертизаси	Муродов С.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
74.	Қорвечилик механизациялаштириш ва автоматлаштириш (Эл. дарслик)	Сувонов Ш., Абдуғаниев З., Мамаев Ш.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
75.	XX аср Қорақалпоқ адабиёти тарихи	Пахретдинов А., Алламбергенов К., Бекбергенова М.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
76.	Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва иқтисодий географияси	Умаров Е.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
77.	Қорақалпоқ миллий аъёнанин дугор созандачилиги	Алланазаров Д., Жуманиёзов И., Колменов Б.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
78.	Математика ўқитиш методикаси	Алихонов С.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
79.	Молекуляр физика	Избосаров Б., Камолов И.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
80.	Rund um Usbekistan	Тиллахожаева Ф.	Ўқус-2009 й.	ЎЗДЖТИ
81.	Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти	Эргашев Р.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
82.	Педагогика	Хасанбоев Ж., Туракулов Х., Алқаров И., Усмонов Н.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ
83.	Инсон ҳўқуқлари	Муминов А., Тиллабаев М.	Ўқус-2010 й.	ЎЗДЖТИ
84.	Муаллифлик ҳўқуқи	Тошев Б.	Ўқус-2011 й.	ЎЗДЖТИ

T/P	Ўқув адабиётлари-нинг номи	Муаллифларнинг Ф.И.О.	Нашр йили, нашриёт номи	Тақдим этган муассасанинг номи
1	2	3	4	5
ДАРСЛИКЛАР				
85.	Замонавий иқтисодий тизимлар	Махмудов Э.	ЖИДУ, Тошкент-2011 й.	ЖИДУ
86.	Зоология (Хордалилар, 2-қисм)	Дадаев С., Сапаров Қ.	Ўзлон, Тошкент-2011	Ўзлон
87.	Высшая математика (часть I)	Пулатова М.	Фан, Тошкент-2011 й.	БухЮТМТИ
88.	Нефть ва газ маҳсулотларининг физик-химий тахлили	Фозилов С., Мавлонов Б., Хамидов Б., Гайбуллаев С., Жумаев Ф.	Илим-Зиё, Тошкент-2010 й.	БухЮТМТИ
89.	Тизувчилик буюмларини ишлаб чиқариш жиҳозлари	Олимов Ф., Нурбоев Р., Соатова Г., Раҳмонов И.	Фан, Тошкент-2011 й.	БухЮТМТИ
90.	Мейморчилик (1,2,3-қисм)	Вахитов М., Мирзаев Ш.	Тафаккур, Тошкент-2010 й.	БухЮТМТИ
91.	Машинасозлик чизмачилиги	Едгоров Ж., Нарзуллаев А.	Ўз. фан. мил. жам., Тошкент-2009 й.	БухДУ
92.	Оператив жарроҳлик ва топографик анатомия (Эл. дарслик)	Тешаев Ш., Назаров С., Бойкулов М., Тухсанова Н.	Бухоро-2010 й.	БухДТИ
93.	Қулоқ, бурун, ҳалқум ва ҳижоидок (Эл. дарслик)	Ҳасанов С., Воҳидов Н.	Матбаа, Тошкент-2011 й.	БухДТИ
94.	Анестезиология ва реаниматология (2-нашр)	Эшонов О.	Ворис, Тошкент-2010 й.	БухДТИ
95.	Статистика	Умаров Н., Абдуллаев А., Зулинова Р.	Иқтисодиёт-Молия, Тошкент-2009 й.	АндМИ
96.	Бухгалтерия ҳисоби назарияси (2-нашр)	Абдуллаев А., Қаюмов И., Эргашев А.	Ўқитувчи, Тошкент-2009 й.	АндМИ
Ўқув қўлланмалар				
97.	Ярим ўтказгичлар физикасидан масалалар ва савол-лар тўплами	Турсунметов К., Валиев У., Мавлонов Х., Хамиджонов И.	Университет, Тошкент 2010	ЎзМУ
98.	Умумий геология: минераллар ва тоғ жинслари бўйича лаборатория машғулоти	Чиникулов Х., Қўшқов А., Хамидов Э.	МРИТИ, Тошкент-2011 й.	ЎзМУ
99.	Хорижий инвестициялар	Вахабов А., Ҳажибакиев Ш., Муҳинов Н.	Молия, Тошкент-2010 й.	ЎзМУ
100.	Умумий геология	Чиникулов Х., Жўлиев А.	МРИТИ, Тошкент-2011 й.	ЎзМУ
101.	Музыка ўқитиш назарияси ва методикаси	Соипова Д.	ЎзДК, Тошкент-2009 й.	ЎзДК
102.	Саҳна нутқи (Хрестоматия)	Ҳоҳиматова М.	Янги аср авлоди, Тошкент-2011 й.	ЎзДСМИ
103.	Саҳна нутқи (Нутқ техникаси)	Ҳоҳиматова М.	Янги аср авлоди, Тошкент-2011 й.	ЎзДСМИ
104.	Саҳна техникаси ва технологияси	Ғофуров Т.	Музыка, Тошкент-2011 й.	ЎзДСМИ
105.	Practical course in translation (1-2-қисм)	Мўминов О., Ходжаева С., Раҳимова Н., Султонова С., Инамова Д.	А.Навоий номидаги Ўз.Миллий кутубхонаси, Тошкент-2010 й.	ЎзДЖТУ
106.	Landeskunde	Дадаходжаева М.	Фан ва технология, Тошкент-2011 й.	ЎзДЖТУ
107.	Амалий фонетика	Тошхонов М., Умбарова Т.	ЎзДЖТУ, Тошкент-2010 й.	ЎзДЖТУ
108.	Боксчиларнинг спорт-педагогик маҳоратини ошириш	Каримов М., Халмухамедов Р., Шамсметов И., Тажибаев С.	ЎзДЖТУ, Тошкент-2011 й.	ЎзДЖТИ
109.	Математика	Махмудов С., Ахлимирзаев А., Юсупова А.	Анджон-2010 й.	ФарДУ
110.	Физик ва коллоид кимё фанидан масалалар тўплами	Аминов С., Қурбонова М., Раҳматуллаева М.	Тошкент-2011 й.	ТФИ
111.	Фармацевтик кимё фанидан маълумотнома	Убайдуллаев Ф. Мавлонова М., Саидвалиев А.	Extremum press Тошкент-2010 й.	ТФИ
112.	Методология научных исследований	Мирахматов М., Тахиров М.	ТТМИ Тошкент-2011 й.	ТТМИ
113.	Органик кимё фанидан лаборатория машғулоти	Каримов Ш.	ТТЕСИ, Тошкент-2011 й.	ТТЕСИ
114.	Тизув буюмлари ишлаб чиқариш технологияси	Расулова М.	Турон-Иқбол, Тошкент-2011 й.	ТТЕСИ
115.	Парҳуз овқатланиш асослари	Абдуллаев Р., Абдуллаев И.	Урганч-2009 й.	ТТА Ург. фил.
116.	Ҳамширалик жараёнида муолажаларни бажариш техникаси	Ўззамхужаева Т., Хайдаров М., Солиқжонев Ш., Бекназаров А., Холмухамедов Б.	Сано-стандарт, Тошкент-2011 й.	ТПТИ
117.	Банк иши	Абдуллаев Е., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С.	Иқтисод-Молия, Тошкент - 2010	ТМИ
118.	Сузурта ҳисоби ва ҳисоботи	Очилов И., Султонов Д.	Иқтисод-Молия, Тошкент - 2010 й.	ТМИ
119.	Целлюлоза ва қорғош технологиясидан лаборатория ва амалий машғулоти тўплами	Раҳмонбердиев Ф., Примкулов М.	ТКТИ, Тошкент-2011 й.	ТКТИ
120.	Тармоқ технологияси (2-нашр)	Турсунходжаев П., Ойхонжаева Н., Болтабоев У., Мамедова Д.	Янгийул полиграф сервис, Тошкент-2011 й.	ТКТИ
121.	Суфизм	Усманов И.	ТИУ, Тошкент-2011 й.	ТИУ
122.	Қурбоншўнослик	Абдуллаев А.	ТИУ, Тошкент-2011 й.	ТИУ
123.	Дунё динлари тарихи	Агзамходжаев С., Раҳимонов Д., Мухамедов Н., Нахмидинов Ж.	ТИУ, Тошкент-2011 й.	ТИУ
124.	Ислон ва ҳозирги замон	Бекмуров Ш., Бобоқонов Б., Раҳимонов Д., Абдулсатторов А., Солиев А.	ТИУ, Тошкент-2011 й.	ТИУ
125.	Назарий механика	Мирсаидов М., Боймуродова Л., Ғисова Н.	Илим-Зиё, Тошкент-2009 й.	ТИМИ
126.	Қурилиш машиналари	Усманов Т., Усманов Н.	ТИМИ, Тошкент-2011 й.	ТИМИ
127.	Суздан фойдаланувчилар ушмалари иқтисоди ва уни ташкил этиш	Султонов А., Хошимов У., Юсупов М.	ТИМИ, Тошкент-2010 й.	ТИМИ
128.	Суз ҳужалиги қурилиш иқтисодиёти	Султонов А., Мирзаева М., Хошимов У., Юлчиева Ф.	ТИМИ, Тошкент-2011 й.	ТИМИ
129.	Молия	Эргашев Ш., Ходжиҳамедова Ш., Маддалимова З.	ТИМИ, Тошкент-2011 й.	ТИМИ
130.	Аҳоли яшаш жойлари кадастри	Бобоқонов А., Рузйбоев С.	Тафаккур, Тошкент-2011 й.	ТИМИ
131.	Хитой иқтисодиёти (1, 2, 3-қисм)	Садикбекова Б.	ТДШИ, Тошкент-2011 й.	ТДШИ
132.	Ўзбекистон ва Ҳиндистон адабий алоқалари	Ходжаева Т.	ТДШИ, Тошкент-2011 й.	ТДШИ
133.	Турк тилининг назарий грамматикаси	Худойбердиева З., Хамидов Ш.	ТДШИ, Тошкент-2010 й.	ТДШИ
134.	Арабская лексикология	Алидханова З.	ТДШИ, Тошкент-2011 й.	ТДШИ
135.	Хитой тилининг иқтисодий-сиёсий ва дипломатик терминологияси	Носирова С.	Янги аср авлоди, Тошкент-2011 й.	ТДШИ
136.	История социально-политических процессов в зарубежных странах: востока и запада	Каримова Н.	ТДШИ, Тошкент-2011 й.	ТДШИ
137.	Микропроцессорлар ва микроХМ асослари	Ўлжаев Э.	Тошкент-2011 й.	ТДТУ

T/P	Ўқув адабиётлари-нинг номи	Муаллифларнинг Ф.И.О.	Нашр йили, нашриёт номи	Тақдим этган муассасанинг номи
1	2	3	4	5
Ўқув қўлланмалар				
138.	Педагогика назарияси ва тарихи	Ахмедова М.	Тафаккур бўстони, Тошкент-2011 й.	ТДПУ
139.	Чизмачилик	Раҳмонов И., Валиев А.	Ворис, Тошкент-2011 й.	ТДПУ
140.	Археология	Эгамбердиева Н.	Фан ва технология, Тошкент -2011 й.	ТДПУ
141.	Тизув буюмларини лойиҳалаш, моделлаш ва бадий безаш	Абдуллаева К., Гаипова Н., Гафурова М.	Ношир, Тошкент-2010 й.	ТДПУ
142.	Расм ўқитиш методикаси	Абдирасилов С., Ҳасанов М.	Иқтисод-Молия, Тошкент-2010 й.	ТДПУ
143.	Кичик бизнес ва тadbиркорлик	Қосимова М.	Адиб, Тошкент-2011 й.	ТДИУ
144.	Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш	Имомов Х.	Иқтисодиёт-Молия, Тошкент-2010 й.	ТДИУ
145.	Маълумотлар банки ва базалари	Алимов Р., Мажидов Р., Ҳасанов А., Мурадова Н.	Иқтисодиёт, Тошкент-2011 й.	ТДИУ
146.	Иқтисодий хавфсизлик	Ортиқова Д.	Иқтисодиёт, Тошкент-2011 й.	ТДИУ
147.	Цитрус экинларини етиштириш технологияси	Ғулямов Б., Исламов С., Нормуратов И.	Абу матбуот консалт, Тошкент - 2011	ТДАУ
148.	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва ҳимоялаш	Номозов Х., Қорахоннова Ю., Амонов О.	Ўз. мил. энциклопедияси, Тошкент-2011 й.	ТДАУ
149.	Сугорилишнинг янги технологиялари ва ундан фойдаланиш	Артурметов З., Алланов Х.	ТДАУ, Тошкент-2010 й.	ТДАУ
150.	Экинларни сугориш асослари ва сугориш тизимларидан фойдаланиш	Артурметов З.	ТДАУ, Тошкент-2009 й.	ТДАУ
151.	Турпоқларни ҳариталашда космик тасвир усуллари-дан фойдаланиш	Тожинов Х., Номозов Х.	Алоқачи, Тошкент-2010 й.	ТДАУ
152.	Ҳимояланган ерларда қуёш ва савзавотларни етиштириш	Зуев В., Атаходжаев А., Қодирхужаев О.	Ношир, Тошкент - 2010 й.	ТДАУ
153.	MATLAB асослари	Дадажонов Т., Мухитдинов М.	Фан, Тошкент-2009 й.	ТАТУ
154.	Электр алоқа назарияси	Абдуазизов А., Жўраев Н., Исқандаров У.	Фаргона-2010 й.	ТАТУ Фар. фил.
155.	Физика курс лекций (часть 1-2) (Эл. ўқ. қўл.)	Оплакат Т.	Тошкент-2011 й.	ТАКИ
156.	Олий таълим тизимида молиявий бошқарув	Сандов М.	Тафаккур бўстони, Тошкент -2011 й.	ТАИИ
157.	Анорганик кимё	Лутфуллаев Э., Бердиев А., Мамадиярова Х.	Самарқанд-2009 й.	СамҚХИ
158.	Анорганик кимё	Мамадиярова Х., Лутфуллаев Э.	Н.Доба, Самарқанд-2009 й.	СамҚХИ
159.	Балиқ касалликлари	Ҳакибердиев П.	Самарқанд - 2010 й.	СамҚХИ
160.	Ўзбекистон картошқачилиги	Остонакулов Т., Ҳамзаев А.	Самарқанд-2010 й.	СамҚХИ
161.	Асаларичилик	Жўраев Ж., Остонакулов Т., Фармонов Н.	Самарқанд - 2009 й.	СамҚХИ
162.	Патология физиология ва патология анатомия (2-нашр)	Эшимов Д.	Илим-Зиё, Тошкент -2011 й.	СамҚХИ
163.	Ашвейи ҳуқуқ масалалари	Ғуломов А.	Фан, Тошкент-2011 й.	СамДУ
164.	Тожиқ адабиёти методикаси ва таълим технологияси	Ҳўжакулов С.	Самарқанд-2011 й.	СамДУ
165.	Бино ва ишоотлар архитектура	Шукуров Ф., Махмудов М., Рафқов С., Ғаниев Ш.	Самарқанд - 2009 й.	СамДАҚИ
166.	Педагогика назарияси ва тарихи фанидан тестлар тўплами	Пазилова А.	Билим, Нукус-2011 й.	НуқДПИ
167.	Қорақалпоқ этнопедагогикаси	Бозорбоев Ж., Пазилова А., Алимов А., Қазбаев О.	Билим, Нукус-2010 й.	НуқДПИ
168.	Одоб фалсафаси	Бозорбоев Ж.	Нукус-2010 й.	НуқДПИ
169.	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий фикрлари	Абаев С., Якубов М.	Нукус-2009 й.	НуқДПИ
170.	Рўйлиқ фикрлари	Бозорбоев Ж.	Нукус-2009 й.	НуқДПИ
171.	Экология ва табиатни қўриқлаш	Бекбергенова З., Утенова Ф., Сапаров З., Алламуратов Ш., Қошанов Д.	Билим, Нукус-2011 й.	НуқДПИ
172.	Электротехника	Жўмамурадов А., Жўмамурадов М.	Нукус-2011 й.	НуқДПИ
173.	Гидроэкология	Шамсидинова Г., Каримова Д., Илясов А.	ЎзДЖТУ, Тошкент-2009 й.	НавДПИ
174.	Музыка ўқитиш методикаси	Ортиқова Т.	Мухаррир, Тошкент-2011 й.	Нам. Пед. кол.
175.	Маҳсулотлар сифатини стандартлаштириш ва метрология асослари (2-нашр)	Худойбердиева М., Худойбердиев А., Отақонов Ш.	Илим-Зиё, Тошкент-2011 й.	НамМПИ
176.	Саҳна техникаси ва технологияси	Абдулмаликов Ш.	Иқтисод-Молия, Тошкент-2009 й.	МРДИ
177.	Экология и охрана природы	Аскарходжаев Н., Аскарходжаева К.	Зиё, Тошкент - 2011 й.	МРДИ
178.	Чизматасвир	Эгамов А., Бойметов Б., Аминов Х.	Шарк, Тошкент - 2011	МРДИ
179.	Ҳажон иқтисодий географияси	Ғайзизаева Н.	ЖИДУ, Тошкент - 2011	ЖИДУ
180.	Основы международного торгового права в схемах и определениях	Убайдуллаев З., Тошев Б., Камаров А.	ЖИДУ, Тошкент - 2011	ЖИДУ
181.	History of British literature (V-XIX centuries)	Ҳолбеков М., Тожинов Х.	Жиззах-2010 й.	ГулДУ
182.	Таълим жараёнларини комплекс лойиҳалаш	Мирзаев Ч.	Тошкент-2010 й.	ГулДУ
183.	Бармоқ тизими таълими (2-нашр)	Мирҳайдаров Х., Мирҳайдарова Н.	Ўз.Миллий кутубхонаси, Тошкент-2010 й.	ГулДУ
184.	Функциянинг силлиқлик модули	Ғаймазаров Г.	Тошкент-2011 й.	ГулДУ
185.	Она тили ўқитиш методикаси (1-қисм)	Рузйбоева Х.	Тафаккур каноти, Тошкент-2011 й.	ГулДУ
186.	Анестезиология, реаниматология ва интенсив терапия (1-нашр)	Эшонов О.	Ворис, Тошкент-2010 й.	БухДТИ
187.	Маркетинг асослари (2-нашр)	Айбешов Х., Эргашев А., Йўлчиев Э., Исмомов А.	Илим-Зиё, Тошкент-2011 й.	АндМИ
188.	Ручной труд 1-2 класс	Дроздова Г., Хамидова М.	Илим-Зиё, Тошкент - 2010	РТМ
189.	Ручной труд 3-4 класс	Хамидова М., Дроздова Г.	Илим-Зиё, Тошкент - 2010	РТМ
190.	Кимёвий алгоритмлар	Эгамбердиев Х.	Фан, Тошкент-2009 й.	Сурхондарё пед. дағоғлар ҚТ ва МО институти
191.	Кимёвий алгоритмларнинг назарий асослари	Эгамбердиев Х.	Фан ва технология, Тошкент-2010 й.	Сурхондарё пед. дағоғлар ҚТ ва МО институти

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТМОҚ КЕРАК

Хар биримиз ўзаро муомала, мулоқотни «Ассалому алайкум», «Ва алайкум ассалом», яъни «Сизга Аллоҳнинг тинчлиги бўлсин!» ва «Сизга ҳам Аллоҳнинг тинчлиги бўлсин» деган истак, тилак билан бошлаймиз. Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳадисларида ҳам «Саломлашни ўрталарингда кенг ёйинглари!» деб буюрилган. Бу ҳадис динимизда инсон ҳаётининг асоси, барча сўзу-умид ва истакларининг манбаи — тинчлик ва осойишталикни тарғиб қилиш масаласига қанчалик катта эътибор билан қаралишига яна бир исбот бўла олади.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) «Сизлардан бирортангиз, ўзи учун яхши кўрган нарсани, биродари учун ҳам раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди», деган ҳадисларида ҳар бир мўминнинг ўзидан бошқа кишиларга ҳам яхшиликни раво кўриши зарурлиги қайд этилган. Хар ким ҳам энг аввало ўзи, оиласи ва яқинлари учун соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик истабини инobatга оладиган бўлсак, Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳадисларининг асл маъноси ойдинлашади.

Тинчликни қадрлаш, осойишта ҳаёт учун шукроналик, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ислому таълимотида масаланинг бу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Улуғ неъмат бўлган эл-юрт тинчлиги, халқ хотиржамлигини қадрлаш, асраб-авайлаш, унга путур етказишдан сақланиш зарур. Бу масала ҳадисларда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳадисларидан бири-



Тоҳир Норкулов фотоси

да: «Икки неъмат бор, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. У хотиржамлик ва сихат-саломатликдир, дейилади. Ушбу ҳадис Аллоҳ таолонинг улуғ неъматлари — тинчлик ва хотиржамликнинг қадрига етиш, хушёр ва эътиборли бўлишга чақиради. Зеро, лоқайдлик, эътиборсизлик, бифарқлик, ношукрчилик эмас, балки берилган неъматни эътироф этиш, унинг қадрига етиш, эъозлаш, асраб-авайлаш шукроналикнинг моҳиятини ташкил этади.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳадисларидан бирида кимки тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйда бир кунлик егулиги бўлса, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экани таъкидланади. Бундан шу осуда ва тинч

бошланган куни учун ҳар ким Яратганга чексиз шукроналар қилиши керак эканини англаш мумкин.

Тинчликка раҳна солиш, жамият равнақи ва халқ фаровонлигига зиён етказиш, тоифаларга бўлиниб ўзаро ниЗОлашишнинг қораланиши ҳам Исломининг тинчлик ҳақидаги таълимотининг асосини ташкил этади.

Халқ орасида фитна кўзгатиш, тўхмат ва игво тарқатиш йўлидаги уришлар тинчлик ва хотиржамликни издан чиқарувчи ҳодисалардан ҳисобланади.

Тинчликни сақлаш учун ҳар би киши масъул, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар ким ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш тинчликни таъминлаш, турли хил кўнгилсиз-

лик ва хавфу хатарларнинг олдини олишнинг зарурий шарти саналади. Зеро, гофиллик ва бепарволик турли нохушликларга замин яратлади.

Ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) «Мусулмон тилидан ва қўлидан бошқа мусулмонлар озор чекмайдиган кишидир!» деб марҳамат қилганлар. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, сўз, яъни тилдан етадиган озор қўлдан етадиган зарардан аввал зикр этилиши, қўл билан бошқаларнинг фақат бу дунёси — саломатлиги, оиласи, мулкига зарар етказиш мумкинлигига, тил билан инсонларни турли бузғунчи гоёларга тарғиб қилиш, кишиларни тўғри йўлдан чалғитиш орқали икки дунёсини барбод этиш мумкин экани таъкидланмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда айрим фирқа ва тоифаларнинг халқ ичида парокандалик келтириб чиқаришга қаратилган уришлари Исломининг асл моҳиятига бутунлай зиддир.

Юқоридаги мулоҳазалар якунида яна бир ҳолатни алоҳида қайд этиш лозим. Баъзи неъматларнинг шукри тилда «Алҳамдулиллаҳ» дейиш билан адо этилса, айрим неъматларнинг шукрини ҳам маънан, ҳам амалий ҳаракатлар билан намоён этиш талаб этилади. Исломда тинчлик ана шундай шукр талаб қиладиган неъматлардан ҳисобланади.

Акмалхон АҲМЕДОВ,
Тошкент ислом университетининг
исломшунослик илмий-тадқиқот
маркази кичик илмий ходими
("Ислом нури" газетасининг
12-сонидан олинди.)

ЯХШИЛИК — ЭСКИРМАЙДИ, ГУНОҲ — УНУТИЛМАЙДИ...

Ҳадислар

Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглари. Шунда ўрталарингизда меҳру муҳаббат уйғонур.

Иймоннинг афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир.

Мўминларнинг афзали хулқ-атвори яхшиларидир.

Кимгаки ақлу идрок насиб этилган бўлса, демак, у омад-лидир.

Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади.

Нонни эъозланглари.

Авалло онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилиқ қил.

Оллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради.

Оллоҳ афв этувчидир ва афв этувчи кишиларни дўст тутади.

Қозилар зулм қилмасалар, Оллоҳ улар билан биргадир. Зулм қилишлари биланоқ ўзи улардан узоқлашиб шайтонни қолдириб кетади.

Оллоҳ ҳар бир ишда мулоиймлиқни яхши кўради.

Оллоҳ ўз бандалари ичида гайратлисини ёқтиради.

Оллоҳ сизларни оталаринг номи билан қасам ичишдан қайтаради.

Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

Имонли одам ваъдага вафодор бўлади.

Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат.

Авалли пайғамбарларнинг сўзларидан одамларда қолгани: «Уялмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер!».

Мўминнинг ўлиmidан сўнг ҳам (унинг фойдасига) ёзилиб турадиган амаллар: тарқатган илми, қобил фарзанди, меҳрос қолдирган Коръони, қўрган масжиди, меҳмонхонаси, чиқарган суви, соғлиқ ва ҳаётлик пайтида қилган садақасидир.

Мен ҳам ҳазил-мutoйиба қиламан, лекин ҳақ гапни сўзлайман.

Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқликни сизларга ҳаром қиламан.

Эмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, беҳосдан қиёмат-қойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, ул-гурсангиз, уни экиб қўяверинг.

Мусибат етганда сочини юлиб, юзини тирнаб ёки кийимини йиртиб йиғлайдиганлардан безорман.

Биродарларингизга — хоҳ у золим бўлсин, хоҳ мазлум, ёрдам беринг. Сўрадилар: «Мазлумга-ку ёрдам берамиз, золимга ёрдам беришлик қандай бўлади?». Жавоб бердиларки: «Уни зулм қилишдан тўхтатиб қолсангиз, шу унга қилган ёрдамингиз бўлади».

Яхшилиқ — эскирмайди, гуноҳ — унутилмайди, жазовчи (Оллоҳ) эса, ўлмайди. Хоҳлаган ишини қил, диёнатинг қандай бўлса, жазонинг ҳам шундай бўлади.

Абу Муҳаммад АЛ-ҒАЗЗОЛИЙ

ФАРЗ

Бани Исроил қабиласида бир киши етмиш йил Оллоҳга тоат-ибодат қилди. Оллоҳ бу киши аҳволидан фаришталарига билдиришни хоҳлаб, бир фаришта-ни хабар бериш учун унинг хузурига йўллади ва дедики: «Бориб айт, шунча ибодат билан ул бандам Менга лойиқ эмасдир». Оллоҳнинг бу гапини фаришта бандга етказди. Шунда ул банда: «Биз ибодат учун яратилдик, ибодат қилиш бизларга вожибдир», деб жавоб берди.

Фаришта Оллоҳ истиқболига қайтиб: «Илоҳо, ул банданг не дегани ўзингга аёндир», деди. Шунда Оллоҳ айтди: «Ул бандам Менинг ибодатимдан юз ўғирмади, бас, Мен ҳам ўз фазлу карамим бирла ундан юз ўғирмасман. Эй фаришталарим, гувоҳ бўлинглар. Мен уни мағфират қилдим».

АДЛУ ИНСОФ

Бир куни шаҳзода Абдулла Тоҳир отасидан:

— Давлат сиз ва сизнинг авлодингиз қўлида неча вақт туради? — деб сўраб қолди.

— Адлу инсоф тугагунча! — деб жавоб берди отаси.

«ШОГИРДЛАР ЮТУГИДАН ҚУВОНАМАН»

дейди пахтакорлик спорт мураббийси Наргиза Халилова

Жорий йил Тошкент шаҳрида самбо бўйича қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Нодира Эгамбердиева барча рақибларини ортда қолдириб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. Табиийки, шогирдининг ғалабаси мураббий Наргиза Халиловани беҳад қувонтирди.

Наргиза ғиламда машгулот олиб бораётган шогирдлари ҳаракатларини кузатаркан, беихтиёр ўзининг ёшлиги, илк бор тўгаракка келган дамларини эслади...

У болалигидаёқ кураш, дзюдо ва самбога қизиқиб қолди. Бўш қолди дегунча тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ошқарди. Мураббийлар Гулниса Эргашева ва Бахтиёр Муродов унга самбо сирларини кунт билан ўргатди. Болалигидан тиришқоқ Наргиза ўз ҳаракатлари билан устозлар эътиборига тушди. Тез орада самбо бўйича туман ва вилоят мусобақаларида иштирок эта бошлади. 1999 йили ўқувчилар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида зафар қучди. Кейинчалик у спортда

эришган ютуқлари эвазига Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва маданият факультетига имтиёзли тарзда қабул қилинди. Талабалик йилларида самбо бўйича Осиё чемпионатларида муносиб иштирок этиб, соvrинли ўринларни қўлга киритди.

Институтни тугатгач, Н.Халилова тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига мураббий бўлиб қайтди. У қишлоқ хотин-қизларини спортга кенгроқ жалб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бугун мазкур даргоҳда спортнинг 7 тури: бокс, дзюдо, самбо, кураш, бадий гимнастика, футбол ва волейбол бўйича тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Унда иштирок этаётган 574 нафар ўқувчининг 164 нафари қизлар.


Спорт мактабида ишлаётган мураббийларнинг 5 нафари хотин-қизлар. Шу боис ҳам тўгаракларда қатнашиш истагини билдираётган қизлар сафи кенгаймоқда. Улар орасида Нодира Эгамбердиева каби иқтидорли ва маҳоратли қизлар кўп. Мактабни тугатган иқтидорли қизлардан 5 нафарининг имтиёзли равишда

Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига қабул қилинган сўзимиз исботидир. Шу йилнинг ўтган олтти ойи мобайнида тўгаракка а'зо қизлардан 23 нафари мamlakat биринчилигидаги мусобақаларда соvrинли ўринларни қўлга киритди.

Спортда эришган кўрсаткичлари учун мураббийлар алоҳида рағбатлантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 апрелдаги «Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Наргиза Халилова устама ҳақ олмоқда. Спорт мактабида Гулниса Эргашева, Саодат Хайдарова каби мураббийлар ҳам ана шундай қўшимча рағбатдан баҳраманд бўлишяпти.

Дарвоқе, Н.Халилова самбо бўйича вилоят аёллар терма жамоаси бош мураббийи ҳисобланади. Шу билан бирга ўзи ҳам катталар ўртасидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, шогирдларига ўрнак бўлмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири



ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Қабул мавсуми давомиди 115 нафар ўқувчининг хужжати қабул қилинди, — дейди мактаб-интернат директори Анвар Мурсакулов. — Табиийки, ўқувчилар таълим муассасамизга танлов асосида қабул қилинади. Тиббий кўрик бўйича шифокор назоратидан ўтган ўқувчиларга ихтисослик имтиҳонларини топширишга рухсат этилади. Қисқача айтганда, танловимиз тиббий кўрик, жисмоний тайёргарлик, ўйин фаолияти ҳамда математика ва она тили фанларидан тест синовларини ўз ичига олади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган мактаб-интернатларнинг асосий вазифаси истеъдодли ва иқтидорли болаларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, тарбиялаш ҳамда уларнинг индивидуал қобилиятини ривожлантириш, футболчилик фаолиятини шакллантиришга кўмаклашувчи муҳитни яратиш, футбол клублари учун муносиб ўринбосарлар тайёрлаб беришдан иборат.

Суратларда: қабул имтиҳонлари жараёнидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

UCP2 ОҚСИЛИ МИЯ РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛИ

Тугуруқнинг табиий кечиси чақалоқларнинг миёсида ўзига хос оқсилнинг ишлаб чиқарилишини йўлга қўяр экан. Оқсил эса ўз навбатида организмнинг ўсиш жараёнида миёя ривожланишига туртки беради. Океанортидаги Йель тиббиёт мактаби илмий ходимларининг изланишлари якунида шундай хулосага келинди, деб ёзади «Плос ВАН» («PLOS ONE») журнали.

Бунда гап UCP2 (митохондриал тарқоқ 2 оқсили) ҳақида бориб, у қисқа ва узок муддатли хотира, ҳиссиётларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайдиган миёя қисми — гиппокампадаги нейронларнинг меъёрида ривожланишини назорат қилади. Олимларнинг аниқлашича, UCP2 оқсилнинг энг асосий функцияларидан бири нейронлар учун муҳим энергия манбалари ҳисобланган она сүтидаги ёғ кислоталаридан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўлиб, бу айниқса перинатал даврда аҳамиятли экан. Тугилиш ва UCP2 оқсили ўртасидаги боғлиқлик ўрганилаётганда табиий тугуруқ жараёнидаги физиологик стресс гиппокампада мазкур оқсилнинг фаол равишда ишлаб чиқарилишига туртки бўлиши кузатилади. Сунъий йўл орқали дунёга келган чақалоқларда эса UCP2 микдори кам экани аниқланди.

Олинган натижалар UCP2 оқсили миёя ривожланиши ва шаклланиши жараёнида муҳим роль ўйнашини кўрсатди. Шу боис, мутахассислар эришилган натижалар сўнгги пайтларда асоссиз равишда болани сунъий йўл орқали тугдириб олиш ҳолатларида барҳам беради, деган умидда. Боиси, сунъий йўл билан тугилиш ҳолати аввал ҳаёлимизга ҳам келмаган узок муддатли салбий таъсирга эга экани маълум бўлди.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚЎЛ КЕЛАДИ?

Ҳаёт тарзининг ўзига хосликлари туфайли паразит(зараркунанда) организмлар об-ҳаво ўзгаришларига тез мослашиш хусусиятига эга экан. Натижада иқлим билан боғлиқ ҳолатга қарши курашаётган тирик жонзот аллақачон мослашиб улгурган паразитлар учун осонгина ўлжага айланар экан. «Табиий иқлим ўзгариши» («Nature Climate Change») журналида мавзуга оид мақола чоп этилди.

АҚШнинг Жанубий Флорида ва Окленд университетлари тадқиқотчилари Кубанинг дарахтда яшайдиган қурбақалари ва бу амфибияларни жуда тезкор суръатда нобуд этаётган *Batrachochytrium dendrobatidis* турдаги паразит юзасидан изланиш ўтказишди. Олимлар қурбақаларни турли ҳароратда сақлашган ва уларнинг паразитга чидамлилигини ўрганишган. Баъзи амфибия-

лар 4 ҳафта давомиди 25 даражада сақланиб, сўнгра ҳарорат 15 даражага туширилган. Айримлари мунтазам равишда 15 даражада яшаган. Учинчи гуруҳдагилар эса кечаси 15, кундузи 25 даражада сақланган. Барча қурбақаларга паразит организм юктирилган. Якунда ҳарорат тушишини бошидан кечирган биринчи гуруҳ қурбақалари инфекцияга жуда чидамсиз экани аниқланди.

Мутахассислар бунга иқлим ўзгариши оқибатида чидамли паразит организм турининг вужудга келиши эмас, балки шу паразитнинг шароитга тез мослашиши сабаб эканлигини таъкидлашмоқда. Ҳарорат ўзгариши қурбақаларда ҳам, паразит организмларда ҳам стрессни юзага келтиради. Лекин ҳаёт давомийлиги, метаболизм даражаси ва бошқаларни эътиборга олган ҳолда қурбақаларнинг янги шароитга мослашиши учун 10 баробар кўпроқ вақт талаб этилади. Паразитлар эса ҳаёт цикли қисқа бўлгани учун ҳам бунга осон қўниқар экан.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

2012-2013 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 2-, 5-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган 2-ЯН-MRT-2012-рақамли Тендер савдоларида ғолиб бўлган нашриётлар рўйхати


Лот №	Дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларнинг номлари	Таълим тили	Синф	Адади (экз.)	Ғолиб нашриётлар номи
4	Одобнома	ўзбек	2	418 493	«Ўқитувчи» НМИУ
		қозоқ		6 282	
		қорақалпоқ		10 254	
		тожик		8 159	
		қирғиз		876	
		туркман		916	
8	Информатика	ўзбек	5	16 200	«Ўзбекистон» НМИУ
		қорақалпоқ		675	
		ўзбек		415 173	
		рус		40 895	
		қозоқ		6 695	
		қорақалпоқ		9 868	
	Информатика (методика)	тожик		7 764	
		қирғиз		958	
		туркман		909	
		ўзбек		14 577	
		рус		1 350	
		қорақалпоқ		739	



«O'ZBEKISTON» nashriyot-matbaa ijodiy uyi

Азиз юрtdошлар!

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi
barqanchizni Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 21 йиллиги ҳамда
Рамазон ҳайити билан муборакбод этади.



«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi tashkilotlarni hamkor-
likka taklif etib, po'stirlik va matbaa mahsulotlarining barcha tur-
larini, jumladan:

- badiiy va bolalar adabiyoti;
- ijtimoiy-siyosiy adabiyotlar;
- ensiklopediyalar;
- rangli va bezakli mahsulotlar (albomlar, plakatlar, bukletlar, adres pankalari va bo'shqalar);
- katiy hisobda turuvchi raqamli blankalar, chex va ruyxatga oluvchi kitoblar;
- o'quv anjomlari (umumiy daftarlar, kundaliklar, rasim daftarlari va bo'shqalar);
- import urini bosadigan xalq iste'moli mollari;
- A4 va bo'shq formatlardagi ofis-xujalik qog'ozlarni, kanceliyariya kitoblari va bo'sqalarni shartnoma asosida, qisqa muddatlar, yuqori sifat darajasida, keliшилgan narxlar, tayyorlab bershini ma'lum qiladi.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100129,
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-37-81

Факс: (3712) 244-38-10, 244-87-55.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



7 722010 641009

INDEKS: 149, 150. F-818.

Tiraj 33220.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan,

qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taq-
qililmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Mamur AHLIDINOV.
Navbatchi muharrir:
Hamza ABDULAYEV.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Uza yuzi — 22,00
Topshirildi — 22,20